

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

Қўл ёзма ҳуқуқида

УДК 336

КАРАБАЕВ ШОКИР УМИРЗОКОВИЧ

**ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИ МОЛИЯСИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ
ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ**

5A230601- Давлат молиясини бошқариш

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация

Илмий рахбар:

И.ф.н., А.Норкулов

Тошкент-2013 й.

Кириш

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида бизнинг олдимизда ишлаб чиқариш корхоналари молиясини самарали ташкил этишдек муҳим вазифа турибди. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқаришни самарали жойлаштириш янгича кўринишга ва ўзига хос иқтисодий ўсиш шаклига айланади. Ушбу жараён ишлаб чиқариш корхоналарини рақобатбардошлик даражасида, минтақа табиий-иқтисодий салоҳиятидан унумли фойдаланиш, энг асосийси, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш, фарровонликни сифат жиҳатидан янада юқори кўтаришда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек: "Бугунги кунда кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шуни сўзсиз исботлаб бермоқдаки, рақобатбардошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда, иқтисодиётни изчил ислоҳ қилиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларини жадал ривожлантиришни таъминлаш, фаолият кўрсатадиган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга ошириш мумкин"¹.

Ҳозирги пайтда иқтисодиётини модернизациялаш, ишлаб чиқариш корхоналари молиясини самарали ташкил қилиш бир қанча муаммоларни юзага келтиради. Аввало қилинаётган корхона харажатларини тўғри йўналтириб, корхона даромадларидан унумли фойдаланган тақдиримиздагина самарадорликка эриша оламиз деб ўйлайман.

¹ Мамлакатимизни модернизатсия қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Президент Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олиу Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўчма мажлисидаги мърузаси. 27.01.2010. (www.tashabus.uz)

Ҳозирги замон жаҳон иқтисодий ривожланиш амалиёти ишлаб чиқариш корхоналари молиясини самарали ташкил этишда фақат ўз кучларига таяниш кам самара беришини кўрсатади. Бундай йўл молиявий ривожланишга тўсқинлик қилади, у ресурслардан нооқилона фойдаланиш билан алоқадор ва у пировард натижада бозор иқтисодиёти шаклланиш жараёнини қийинлаштиради.

Корхона илаб чиқариш келажагини унинг жаҳон бозорида ўз товарлари билан савдо алоқаларини кучайтириш аввало корхона асбоб ускуналарини қайта жихозлаш, янгилаш бир сўз билан айтганда модернизациялашни тақаззо этади ва фақат шу йўл билан товар бозорида ўзининг доимий истеъмолчиларига эга бўладилар.

Мазкур тадқиқотнинг долзарблиги ҳозирда Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиётини модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш корхоналари молиясини самарали ташкил этиш масалалари турибди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Мавзунинг ўрганилиши, энг аввало ишлаб чиқариш корхоналар молиясини илмий ва амалий қонуниятларини тадқиқ зарурияти билан боғлиқдир.

Иқтисодитни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш корхоналари молиясини назарияси ва амалиёти тадқиқоти Lan Clark, Barraiss R., Urwin D., Allen J. Scott, M.Cini, I.Mc. R. Axtmann каби хорижий олимларнинг асарларида ўз аксини топган. Уларнинг фикрича «ишлаб чиқариш корхоналар молиясини самарали ташкил этишда модернизацияни ўрни каттадир».

Ишлаб чиқариш корхоналар молиясини амалий ва методологик жиҳатлари Россиянинг Ковалев В.В, Желкина А.Н, Леонтьев В.Е, Попова, Павлова Л.Н, Грибов В. Д. Грузинов В. П, Попов.В.М, Масленченков Ю.С, Комиссаров О.В, В.В Ковалев, О.Н.Волкова, П.И. Вахрина сингари олимлари ва мутахассисларининг асарларида тадқиқ этилган. Кўпчилик россиялик

олимларнинг фикрига кўра « модернизация, молиявий режалаштириш назорат ва рағбатлантириш биргаликда молиявий самарадорликнинг юксак чўққисига олиб чиқади ».

Умаров У.У, Жураев. А, Коралиев Т, Валиев А,Додоюоев Ю.Т, Махмудов Т, Гуломов С.С. каби олимларнинг асарлари хорхоналар молияси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятни ривожлантириш масалаларига багишланган. Шу билан бирга уларда ишлаб чиқариш корхоналарининг имкониятлари, шарт-шароитлари ва муаммолари ўрганилган.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Ишлаб чиқариш корхоналари молиясини ўрганиш унинг асосиг йўналишларини таҳлил қилиш асосида тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш диссертация ишининг мақсади ҳисобланади.

Ушбу мақсадга мувофиқ диссертация ишида қуйидаги асосий вазифалар қўйилди ва ҳал этилди:

- ишлаб чиқариш корхоналари молиясини назарий асосларини ўрганиш;
- модернизациялаш ва ишлаб чиқариш корхоналари молиясини ҳуқуқий асосларини ўрганиш;
- ишлаб чиқарувчиларга берилаётган имкониятларни ўрганиш;
- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқарувчи корхоналар молиясини амалий таҳлил қилиш;
- МЧЖ "JAKOINDUSTRIALGROUP" ишлаб чиқарувчи корхонасининг молиявий самарадорлик ҳолати таҳлили;
- ишлаб чиқарувчи корхоналар ва Далат бюджети ўртасидаги боғлиқлик томонларини ўрганиш ;
- ишлаб чиқариш корхоналари молиясини самарадорлигини ошириш муаммолари ва уни ҳал этиш йўллари ўрганиш;
- ишлаб чиқариш корхоналари молиясини самарадорлигини оширишда модернизациялашнинг ижобий таъсири ўрганиш.

Тадқиқот объекти. Ўзбекистон Республикасида иқтисодийни модернизациялаш шароитида иқтисодийни тараққиётидаги муҳим соҳа ишлаб чиқариш корхоналари тадқиқот объектидир.

Тадқиқот предмети. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқарувчи корхоналар молияси уни ташкил қилиш манбалари, корхона фойда ва зарари тадқиқот предмети сифатида.

Тадқиқот методлари: диалектик усул, илмий мушоҳадалаш, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, қиёсий, тизимли таққослаш, математик ва статистик усуллари.

Тадқиқот гипотезаси. Тадқиқот ишида ишлаб чиқилган илмий тақлиф ва амалий тавсияларни амалиётда қўллаш асосида ишлаб чиқариш корхоналари молиясини самарали ташкил этиш ҳамда ривожлантишида иқтисодийни модернизациялашнинг аҳамиятли таъсир кўрсатиши, мазкур жараёнларнинг мақсадга мувофиқ мувозанатини таъминлаш имконини бериши мумкин.

Ишнинг назарий услубий асослари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида ишлаб чиқилган ишлаб чиқариш корхоналар молиясининг асосий қонуниятлари, принциплари, стратегик йўналишлари, шунингдек мамлакатимиз ва чет эл олимларининг ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш соҳасидаги асарлари, тадқиқот мавзуси бўйича Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий қоидалари, амалдаги қонунчилик, шу жумладан Президентнинг Фармонлари, тадқиқотнинг назарий-услубий асоси ҳисобланади.

Тадқиқот жараёнида жадвал, графика, қиёсий ва иқтисодий таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги.

-иқтисодийни модернизациялаш шароитида корхоналар молиясини самарали ташкил этиш бўйича барча назарий ва амалий жиҳатдан кўриб чиқилди;

- ишлаб чиқарувчи корхона мисолида молиявий тахлил қилинди ва молиявий самарадорликка эришиш йўллари аниқланди;

-ишлаб чиқарувчиларга берилган имкониятларни амалий ва назарий асосланди;

- молиявий самарадорликка эришиш бўйича керакли тавсиялар берилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Диссертация ишининг амалий аҳамияти тадқиқот натижаларидан иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш корхоналари молиясини самарали ташкил этиш масалари кўриб чиқилди ва бунитакомиллаштириш йўллари ҳақида фикрлар юритилиб ишлаб чиқарувчиларга ушбу маълумотлар тақдим этилиши керак деган хулосага келдим.

Хулоса қисмида диссертация ишининг асосий натижалари ва тавсиялар ифодаланган.

I.Боб. Ишлаб чиқариш корхоналар молиясининг назарий ва ҳуқуқий асослари.

1.1. Ишлаб чиқариш корхоналар молиясининг моҳияти ва вазифалари.

Ишлаб чиқариш корхоналари молияси ҳамкорхоналар молияси каби хужалик юритувчи субъект ва давлат пул ресурслари фондини ташкил қилиш ва улардан такрор ишлаб чиқариш, рағбатлантириш ва жамиятнинг итимоий эҳтиёжларини кондириш мақсадларида фойдаланишдаги пул муносабатларини йигиндисидир.

Ишлаб чиқарувчилар молияси молиявий ресурсларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боқлиқ пулли муносабатлар йигиндисидир.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш корхоналар молиясини олдинги директив характердаги бошқариш усуллари: лимитлар, марказилашган таъминот ва бошқалардан фаркли равишда корхоналарда самарали бошқаришнинг узига хос усуллари шаклландики булар воситасида корхонанинг ресурс потенциали оптималлаштирилади. Бу вазиятда молиявий ресурсларни самарали бошқариш аҳамияти тезлик билан усади. Бундай шароитларда молиявий ресурслар биринчи даражадаги аҳамият касб этиб корхоналарни маълум вақт оралигида тезлик билан бошқа ресурсларга трансформацияланиш имкониятига эгадир.

Ишлаб чиқариш корхоналари молияси 3 асосий функцияни бажаради:

- корхонанинг ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги олинган молиявий натижаларини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш;
- молиявий натижаларини тақсимланиши натижасидаги пул фондларини шаклланиши ва тегишли молиявий ресурслардан самарали фойдаланишини назорат қилиш;
- Корхоналар молиявий хужалик фаолиятини рағбатлантирувчи каби функцияларни бажаради.

Корхоналарни молиявий бошқарув тизими: пул ресурсларининг вақтлий қиймати, пул оқимлари, тадбиркорлик ва молиявий хатарлар, капиталлар баҳоси, самарали бозор каби катор концепцияларга асосланади. Молиявий

муносабатлар корхоналардан тортиб умумдават миқёсигача бўлган босқичдаги пулнинг ҳаракати билан боғлиқ муносабатларни ўз ичига олиши сабабли умумдават, маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда корхоналар молияси фарқланади.

Ишлаб чиқариш корхоналари молиявий ресурсларини шакллантириш ва фойдаланиш жараёнида бир нечта молиявий институтлар билан ранг-баранг молиявий муносабатларда булади. Уларнинг асосийлари булиб куйидагилар хисобланади:

Ялпи даромадни шакллантириш ва фойдаланиш жараёнида, хужалик субъектлари аро молиявий муносабатлар, яъни хом-ашё, ёкилги, материаллар, бугловчи асбоб ускуналар тайёр маҳсулотни реализация қилиш, жарималар тулаш ва молиявий жарима олиш ҳамда икки ёклама шартнома ва мажбуриятларни бажаришдаги жараёнлар.

Инвестицияга мулжалланган корхона қимматли қозғаларини муомалага чиқариш ва жойлаштириш ҳамда қўшма корхоналар ташкил этишда ҳиссали маблағлар орқали иштирок этиш.

Корхоналар валюта фондини ташкил этишда ва фойдаланишда ташқи иқтисодий алоқа компаниялари билан бўлган молиявий муносабатлар.

Молия тизими органлари билан корхоналар уртасида буладиган иқтисодий муносабатлар. Жумладан: нобюджет фондларга ажратмалар, республика ва маҳаллий бюджетларга солиқлар тулаш, корхона агар давлатга тегишли бўлса бюджетдан дотация олиш.

Тижорат банкларидан қиска ва узок муддатли кредитлар олиш, ссудаларни қайтариш, кредит учун фоизлар тулаш билан боғлиқ бўлган молиявий муносабатлар.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш корхоналар молиясининг салмоғи янада кенгайди. Бу ҳолат корхоналар молиявий режаларини мустақил ишлаб чиқарувчи субъект бўлганлиги билан боғлиқдир.

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш корхоналари молиясини объектив бўлишига таъсир этган омиллар таркиби ранг-барангдир. Шулардан асосийлари бўлиб:

- товар пул муносабатларининг мавжудлиги;
- хужалик субъектларининг турли хил мулк шаклларида фаолият курсатиши;
- иқтисодий рағбатлантириш ва кенгайтирилган ишлаб чиқариш молиявий таъминлаш мақсадида пул даромадлари ҳамда жамғармаларини шакллантириш ва бошқалар.

Хозирги кунда мамлакатимиз олдида эски ишлабчиқариш технологияларини янгиси билан алмаштиришдек мураккаб ва масъулиятли вазифа турибди. Бу вазифани муваффақитли бажариш кўп жиҳатдан молиявий характердаги муаммоларни тўғри ҳал этиш билан чамбарчас боғлиқ. Бозор иқтисодиёти, унинг турли-туман моделлари бўлиши билан бирга, шу билан характерланади-ки, у давлат томонидан созланиши билан тўлдириладиган ижтимоий йўналтирилган хўжалиқдир. Бозор муносабатларининг структурасининг ўзида ҳам, уларни давлат томонидан созлаш механизмида ҳам молия катта рол ўйнайди. Молия-бозор муносабатларининг ажралмас қисми ва шу билан бир вақтнинг ўзида давлат сиёсатининг амалга оширишнинг муҳим қуролидир. Мана шунинг учун ҳам бугунги кунда молиянинг табиатини яхши билиш, унинг амал қилиш хусусиятларини чуқур англаб олиш, уларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришни самарали ривожлантириш манфаатларида энг тўла ишлатиш усуллари кўриш муҳимдир.

Ишлаб чиқариш корхонасининг тадбиркорлик фаолиятининг натижасида сифатидаги фойдага ишлаб чиқариш жараёнининг пухта ўйланган молиявий таъминоти, молиявий ресурсларни ишлатиш йўналишларини ва асосий ҳамда айланма капитални сафарбар қилиш усуллари танлаш орқали эришилади. Тадбиркорликнинг муваффақияти, бир томонидан, корхона молиясининг ҳолатига ва иккинчи томонидан солиққа тортиш тизимига боғлиқ. Бу молиявий муаммоларни келтириб чиқаради, буларни ҳали иқтисодий ва

сийсий барқарорлик, умуман иқтисодиётни молиявий соғломлаштириш, солиқ қонунчилигини такомиллаштириш асосида ҳал қилиш керак.

Молия иқтисодий муносабатларида ўзига хос ўринни эгаллайди. Унинг ўзига хослиги шундайки, у доим пул шаклида келади, тақсимот характериға эға ва моддий ишлаб чиқариш соҳаси қатнашчиларининг турли даромад ва жамғармаларининг шаклланиши ва ишлатилишини акс эттиради.

Такрор ишлаб чиқариш жараёнида турли даражада корхона ва фирмалардан тортиб халқ хўжалиги тармоқлари ва бутун жамият миқёсида турли пул фондлари вужудға келади. Ана шу пул фондларни шакллантириш, тақсимлаш ва ишлатиш жараёнида юзага келувчи иқтисодий муносабатлар молиявий муносабатларни ташкил этади. Айтилгандан пулнинг ҳаракат билан боғлиқ бўлган барча муносабатлар молиявий муносабатларни ташкил этади, деган ҳулоса келиб чиқмайди. Молиявий муносабатлар пулнинг ҳаракати билан боғлиқ муносабатларнинг фақат бир қисмигина ўз ишлаб чиқаришиға олади.

Молиявий муносабатлар ва молиявий самарадорлик объектив ҳолда мавжуддир, лекин жамиятдаги ишлаб чиқариш муносабатларининг ҳаракатиға мос келадиган конкрет шаклларда намоён бўлади. Ҳозирги шароитда молиявий муносабатларнинг шакллари жиддий ўзгармоқда. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг барпо қилиниши нафақат мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, корхоналарни хусусийлаштириш, ишлаб чиқариш технолгияларини модернизациялаш, рақобатни ривожлантириш, нархларни ва корхоналарнинг ташқи иқтисодий алоқаларини либераллаштиришни, балки халқ хўжалигини молиявий соғломлаштириш, молиявий муносабатларнинг адекват тизимни яратишни ҳам кўзда тутди.

Молиявий муносабатлар ишлаб чиқариш корхоналаридан тортиб умумдават миқёсигача бўлган босқич ишлаб чиқаришлардаги пулнинг ҳаракати билан боғлиқ муносабаларни ўз ишлаб чиқаришиға олиши сабабли умумдават, маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда корхоналар молияси фарқланади.

Ишлаб чиқариш корхоналари молияси давлатнинг ягона молия тизимининг муҳим таркибий қисми бўлиб, халқ хўжалигининг турли тармоқларидаги корхоналарда даромадларнинг шаклланиши, тақсимланиши ва ишлатилиши жараёнини акс эттиради. Корхоналар молияси миллий даромад ва миллий бойлик яратиладиган моддий ишлаб чиқариш соҳасига хизмат кўрсатади. Ўз моҳиятига кўра ишлаб чиқариш корхоналар молияси молиявий тизимнинг ўзига хос қисмидир. У давлат молиясидан фарқ қилади, чунки улар ижтимоий ишлаб чиқаришнинг бошқа-бошқа соҳаларида амал қиладилар.

Ишлаб чиқариш корхоналари молияси тадбиркорлик билан узвий боғлиқдир, чунки корхона тадбиркорлик фаолиятининг шакли ҳисобланади. Шу билан корхоналар молиясини ўранишда тадбиркорликнинг барча томонлари ва субъектлари қамраб олинмайди, бу ўзининг ўрганиш предмети мавжуд. У белгилар чегараларини аниқлаб олишдан олдин тадбиркорлик тушунчасида тўхталиш керак ва баъзи саволларга жавоб бериш лозим. Хусусан, тадбиркорлик фаолиятининг шакллари қанчалик турли туман, молия ва тадбиркорликнинг ўзаро алоқаси нимада намоён бўлади, бу тушунчалар «бизнес» сўзи билан қандай боғлиқ, қай саволларга жавоб бериш лозим.

Маълумки инглиз тилидан таржима қилинганда, бизнес бу -иш, машғулот, касбдир, кенгроқ маънода олганда эса фойда келтирувчи иқтисодий фаолиятдир. Тадбиркорлик эса бу энг аввало хўжалик фаолиятдир, яъни маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш ёки истеъмолчига керак бўлган товарларни олиб сотиш билан боғлиқ бўлган фаолиятдир. У доимий характерга эга ва қуйидаги билан ажралиб туради:

- фаолият йўналишларини ва усулларини танлаш эркинлиги, қарорлар қабул қилинишдаги мустақиллиги билан (албатта, қонунлар ва ахлоқий нормалар доирасида);
- қабул қилинаётган қарорлар ва уларнинг оқибатлари учун жавобгарлиги билан;
- фаолиятнинг бу тури риск, зарар кўриш ва банкротлик ҳолатларидан холи эмас. ва ниҳоят, тадбиркорлик аниқ фойда олишга қаратилган.

Тадбиркорлик фаолияти шакллари қонунчилик билан чегаралаб қўйилган. Маълум белгиларига кўра тадбиркор томонидан юридик шахс тузмасдан амалга ошириладиган индивидуал меҳант фаолияти ва юридик шахс бўлган корхона фарқланади. Хўжалик юритувчи шахс сифатида корхона турли ташкилий-ҳуқуқий шаклларда фаолият кўрсатиши мумкин.

Корхонанинг тадбиркорлик фаолиятининг натижасида сифатидаги фойдага ишлаб чиқариш жараёнининг пухта ўйланган молиявий таъминоти, молиявий ресурсларни ишлатиш йўналишларини ва асосий ҳамда айланма капитални сафарбар қилиш усуллари танлаш орқали эришилади. Тадбиркорликнинг муваффақияти, бир томонидан, корхона молиянинг ҳолатига ва иккинчи томонидан солиққа тортиш тизимига боғлиқ. Бу молиявий муаммоларни келтириб чиқаради, буларни ҳали иқтисодий ва сиёсий барқарорлик, умуман иқтисодиётни молиявий соғлимлаштириш, солиқ қонунчилигини такомил-шатириш асосида ҳал қилиш керак.

Мазкур мавзуда ўрганиш объекти бўлиб ишлаб чиқариш корхоналари ва уларнинг бирлашмаларининг хўжалик жараёнида вужудга келадиган ҳамда маблағларининг шаклланиши ва қарз маблағларининг жалб қилиниши, уларнинг корхонанинг ҳаражатлари ва инвестицияларини молияллаштиришга ишлатилиши, фойданинг ҳосил бўлиши ва олинган фойданинг тақсимланиши билан боғлиқ бўлган пул муносабатлари ҳисобланади.

Ижтимоий маданий хусусиятга, жамоат тартибини сақлаш, бошқарув ва мудофага таалукли бўлган ранг-баранг хизматларни кўрсатаётган хўжалик субъектлари нотижорат асосида фаолият кўрсатаётган корхоналарни ташкил этади.

Режали иқтисодиёт даврида ушбу корхоналар хизматининг қариб барчаси бепул курсатилар эди. Кейинги йилларда аҳолини ижтимоий маданий тадбирларга булган талабини сифатли ва уз вақтида таъминлаш мақсадида пуллик хизмат курсатиш соҳалари ҳам кенгая бошлади. Нотижорат асосида фаолият курсатаётган корхоналар молиявий ресурсларининг шаклланиши икки хусусиятга боғлиқ булади.

1. Курсатаётган хизматлар куриниши.
2. Истеъмолчига етказиб берилиши (пуллик ёки бепул).

Хозирги кунда мамлакатимиз олдида бозор иқтисодиётида босқичма-босқич ўтишдек мураккаб ва масъулиятли вазифа турибди. Бу вазифани муваффақитли бажариш кўп жиҳатдан молиявий характердаги муаммоларни тўғри ҳал этиш билан чамбарчас боғлиқ. Бозор иқтисодиёти, унинг турли-туман моделлари бўлиши билан бирга, шу билан характерланади-ки, у давлат томонидан созланиши билан тўлдириладиган ижтимоий йўналтирил-ган хўжалиқдир. Бозор муносабатларининг структурасининг ўзида ҳам, уларни давлат томонидан созлаш механизмида ҳам молия катта роль ўйнайди. Молия-бозор муносабатларининг ажралмас қисми ва шу билан бир вақтнинг ўзида давлат сиёсатининг амалга оширишнинг муҳим қуролидир. Мана шунинг учун ҳам бугунги кунда молиянинг табиатини яхши билиш, унинг амал қилиш хусусиятларини чуқур англаб олиш, уларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришни самарали ривожлантириш манфаатларида энг тўла ишлатиш усулларини кўриш муҳимдир.


Молия иқтисодий муносабатларида ўзига хос ўринни эгаллайди. Унинг ўзига хослиги шундайки, у доим пул шаклида келади, тақсимот характериға эға ва моддий ишлаб чиқариш соҳаси қатнашчиларининг турли даромад ва жамғармаларининг шаклланиши ва ишлатилишини акс эттиради.

Масалан давлат бошқарув органлари ва мудофаа хизмати ходимларининг хизматларини истемол килаётган ҳар бир юридик ва жисмоний шахс текинға фойдаланиш имкониятиға эғадирлар. Мазкур муассасалар молиявий ресурсларининг шаклланиш манбаи асосини яққа-ю яғона давлат бюджет маблағлари ташкил этади. Лекин, шуни ёддан чиқармаслик керакки, бу маблағлар хизмат курсатаётган ходимларни тулалиғича ижтимоий-иқтисодий ҳаётини кондира олиш ва ҳеч ҳам тижорат асосида фаолият курсатаётган корхоналардаги уртача иш ҳакидан кам бўлмаслиғи лозим. Акс ҳолда бу соҳада хизмат курсатаётган ходимлар ичида

хизматига нисбатан лоқайдлик, сотиш, сотилиш каби салбий иллатлар томир
отиши табиийдир.

**Нотижорат асосида фаолият курсатаётган корхоналар молиявий
манбаларининг таркиби:**

1-расм



Манба: юқоридаги маълумотлар асосида тузиб чиқилди.

Барча манбалардан шаклланган пул ресурслари корхонанинг молиявий
қуйидаги харажатлар амалга оширилади:

- иш хақи тулаш;
- материал ва шунга тенглаштирилган харажатлар;
- бошқа ташкилотлар билан ҳисоб-китоблар;
- иктисодий рағбатлантириш фондларини ташкил этишга ва бошқалар.

Барча нотижорат асосида фаолият курсатаётган корхоналар, агарда улар
мустақил балансга ва ҳисоб китоб рақамига эга бўлса, банк кредитларидан
фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Иктисодиётнинг нотижорат секторида фаолият курсатаётган хужалик
субъектларининг молиявий ресурсларини жалб қилиш ва фойдаланиш турли
ҳил бўлиб, у унинг хужалик юритиш усулига боғлиқдир. Улар асосан: 1.
сметали молиялаштириш; 2. тулик уз-узини коплаш билан фаркланиб туради.

Молиявий механизмнинг кайта куриш жараени куйидаги ўзгаришларни амалга оширишга хизмат килади.

Нотижорат асосида фаолият курсатаётган ишлаб чиқариш корхоналари ихтиёрида булган молия, меҳнат ва материал ресурсларидан мустиқил фойдаланишга имконият яратилди. Масалан, ижтимоий маданий тадбирларга мулжалланган муассасалар ихтиёридаги бинолар, транспорт воситалари ва шунга тенглаштирилган маблағларини бошқа хужалик субъектларига ижарага бериш, айирбошлаш ҳукукига эга булдилар.

Ишлаб чиқариш муносабатлари аслида, кенг маънода кишиларнинг соф ишлаб чиқаришидаги муносабатларинигина ифода этмайди, шу билан бирга у ишлаб чиқаришнинг натижаларини тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш соҳаларидаги муносабатларни ҳам акс эттиради. Такрор ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлганлиги учун ишлаб чиқариш муносабатлари иқтисодий муносабатлар деб аталади.

Ишлаб чиқариш деб табиат буюмларини кишиларнинг истеъмолларига мослаштириш жараёнига айтилади. Бошқача айтганда, ишлаб чиқариш дейилганда ишлаб чиқариш омилларини истеъмол қилиш, уларнинг шаклини ўзгартириш ва инсон эҳтиёжларини қондириш учун йўналтириш тушунилади. Кишилар эҳтиёжи доимий ва чексиздир, айна вақтда эҳтиёжлар ранг-барангдир. Масалан, костюмни истеъмол қилиш жараёни бир-икки йилни ташкил этади, кейин яна костюмга эҳтиёж туғилиши табиийдир ёки уйни иситиш учун кўмир истеъмол қилинган бўлса, янаги йил учун яна кўмир жамғариб қўйиш зарурати бор ва ҳ.к. Демак, эҳтиёжларни қондириб бориш ҳаёт тақозоси экан. Бунинг моддий омили эса ишлаб чиқаришни такрорлашдир. Истеъмол қилиш такрорланиб турилганлиги сабабли ишлаб чиқариш ҳам такрорийлик касб этади. Шундай қилиб, такрор ишлаб чиқариш истеъмол неъматлари яратишни қайтадан бошлаш ёки янгилаб туришдир, ишлаб чиқаришнинг такрорланиб туриши такрор ишлаб чиқаришдир.

Такрор ишлаб чиқариш икки шаклда эканлигини тарихий тараққиёт кўрсатиб турибди. Такрор ишлаб чиқаришнинг биринчи ва бошланғич шакли

оддий такрор ишлаб чиқаришдир. Оддий такрор ишлаб чиқариш дейилганда истеъмол неъматлари ва хизматлар миқдорининг аввалги даражада, ўзгармаган ҳажмда такрор ишлаб чиқарилишига айтилади. Бундай такрор ишлаб чиқариш асосан инсоният тараққиётининг ноиндустриал даври учун хосдир, яъни ишлаб чиқариш тақдири асосан табиатга, унинг кучларига бевосита боғлиқ бўлган даврлар учун мувофиқ келади. Бироқ оддий такрор ишлаб чиқариш бошқа давр иқтисодий тизимлари шароитида ҳам бўлиши мумкин. Масалан, якка, оила шахсий ёрдамчи хўжалик ишлаб чиқариш шароитларида ёки иқтисодий турғунлик, иқтисодий танглик йилларида ҳам ана шундай такрор ишлаб чиқариш бўлиши мумкин.

Такрор ишлаб чиқаришнинг иккинчи шакли кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришдир. Такрор ишлаб чиқаришнинг бу кўриниши ривожланган иқтисодий тизимлар учун хосдир. Бунда истеъмол неъматлари ва хизматлар миқдори илгариги даврга нисбатан кўпайтирилиб ишлаб чиқарилади, истеъмол буюмларининг ҳажми ўсиши билан бирга уларнинг сифати, чидамлилиги ҳам ортади.

Такрор ишлаб чиқаришнинг кенгайтирилган шакли табиий ҳолдир. Биринчидан, одамлар эҳтиёжи ҳам миқдор, ҳам ассортимент (хилма-хиллиги) жиҳатдан ортиб боради. Иккинчидан, кишиларнинг сон жиҳатидан кўпайиб боришидир. Маълумки, асримиз бошида Ер шари аҳолиси бир миллиарддан кўпроқ эди, ҳозирга келиб аҳоли сони олти миллиард кишидан ортиб кетди. Бу жараён, айниқса ривожланаётган мамлакатларда тез бормоқда. Демак, ҳар жиҳатдан ўсиб бораётган эҳтиёжларни қондириш такрор ишлаб чиқаришни кенгайтирилган тарзда ташкил этишни ҳаётий зарурат қилиб қўяди.

Иқтисодий муносабатлар кишилик жамияти ривожининг барча босқичларида, барча иқтисодий даврларида неъматлар яратиш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида ишлаб чиқарувчилар ўртасида вужудга келган ишлаб чиқариш муносабатларидир. Кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш муносабатлари тўрт босқичлидир. Унинг ҳар бир босқичида ўзига хос иқтисодий жараёнлар юз беради, ҳар бир босқичнинг ўз «вазифаси»

мавжуд. Ишлаб чиқариш босқичида моддий ва маънавий неъматлар яратилади. Бу неъматларнинг бир қисми одамларнинг бевосита шахсий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилади, бошқа қисми ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондиришга сарфланади. Шунга мувофиқ неъматлар ишлаб чиқариш воситаларидан ва шахсий истеъмол буюмларидан (хизматлар ҳам) иборат бўлади. Неъматларнинг бу хилда икки турга бўлиниши бутун ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ҳам икки катта бўлинмадан иборат бўлишини асослаб беради:

1. Ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш бўлинмаси (ишлаб чиқаришнинг ўз истеъмоли учун ресурслар яратиш).
2. Истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш бўлинмаси (одамлар учун истеъмол неъматлари яратувчи бўлинма).

Шуни айтиш керакки, ишлаб чиқариш доимо истеъмолга нисбатан бирламчи бўлиб келди.

1.2. Ишлаб чиқариш корхоналар молиясининг ўзига хос хусусиятлари.

Ишлаб чиқариш - бу иқтисодийнинг реал сектори бўлиб у билан бўладиган молиявий муносабатларнинг ўзига хос жihatлари кўп ва ноишлаб чиқариш хўжаликлар молиясидан тубдан фарқланади. Шу билан бирга унинг молиявий манбаларининг кўплиги ва уни йўналтириш мақсадларининг ҳам кўплиги унинг ўзига хослигидан далолат беради. Бу эса ишлаб чиқариш молиячиларига ўз устиларда кўп ишлашни ҳар бир операцияни тўғри бажаришлари кераклиги қанчалик аҳамиятлилигини кўрсатади. Ишлаб чиқариш корхоналари молиясида инвестицияларнинг роли ката бўлиб у ҳам ўзига хос молиявий жозибадорлик беради. Ишлаб чиқариш корхоналар молияси бу иқтисодий пул муносабатларни пул ҳаракати мобайнида вужудга келиб турли хил пул фондларини ҳосил қилишни билдиради.

Ишлаб чиқариш корхоналари молиявий муносабатларига:

2-расм



Манба: Дадабоев Ю.Т. Молиявий менежмент. Уқув қуланма. Наманган. 1999 йил. 365 б.


Молия-кредит тизими билан алоқалар қуйидагилар:

1. Хар хил даромаддаги бюджет билан.
2. Банклар билан.
3. Суғурта ташкилотлар билан.
4. Бюджетдан ташқари фондлар билан.
5. Фонд бозорлари билан.
6. Инвестиция фондлари билан.
7. Корхона пул фондлари билан

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва унга молиявий кўмак бериш хар бир давлатда бўлганидек бизнинг давлаимизда ҳам бор. Бу ҳам корхоналар молиясини ўзига хос хусусиятларидан бири бола олади деб ўйлайман. Чет элга экспорт қилинган товарлар учун солиқлардан имтиёзлар бўлди.

Корхона пул фондлари билан алоқалар:

3-расм

- 
1. Устав капитали.
 2. Асосий воситалар фонди.
 3. Айланма маблағлар фонди.
 4. қўшимча капитал.
 5. Захира капитал.
 6. Жамғарма фонди.
 7. Валюта фонди.
 8. Инвестиция фонди.
 9. Амотизация фонди.
 10. Истеъмол фонди.
 11. Бюджетга тўловлар фонди
ва бошқа фондлар.

Манба: Д. Грибоедов, В. П. Грузинов. Экономика предприятия: Учебник.- М: Финанс и статистика, 2004.- 336 стр.1 экз.

Экспортдан келган тушумни 30% ини корхонанинг валюта фондига тўғридан тўғри жорий сўётга ўтказилди ва уни давлатнинг захира, яъни валюта захирасига ўтказилади. Корхона ўз соф фойдасини пул фондларига сарфлайди. Корхонанинг фонд бозорлари билан бўладиган муносабатлари турли хилдаги фондларни ҳосил қилиш, уларни шакллантириш ва фойдаланишдан иборат.

Масалан: Устав фонди. Устав фондига, ҳисобига корхонанинг асосий воситалари ва айланиш маблағлари шаклланади. Бу корхонанинг ўз маблағларининг асосий манбаси ҳисобланади.

Хиссасдорлик жамиятида устав фонди чиқариладиган барча акциялар қиймати билан тенг бўлиши лозим. Иш натижасига кўра устав фонди миқдорини кўпайиши ёки камайиши мумкин, яъни қўшимча акциялар чиқариш ёки уларнинг номинал қийматини ошириш орқали устав фонди кўпайиши мумкин. Муомаладан акцияларни қайтариб олиш туфайли эса устав фондини камайитириш мумкин.

Устав фонди - корхоналарнинг ўз маблағларининг манбаи ҳисобланади.

Бундан ташқари корхоналарнинг устав фонди асосий воситаларни қайта баҳолаш ҳисобига, акцияларни номинал қийматидан кўра баланд нархда сотиш ҳисобига, ишлаб чиқаришга бепул асосий воситаларни сотиб олиш ҳисобига кўпайиши мумкин.

Асосий воситаларни қайта баҳолаш: асосан чуқур иқтисодий кризис вақтида ва пулнинг қадрсизланиши ҳисобига амалга оширилади, ҳозиргача бизнинг республикамизда асосий воситалар 7 мартадан ортиқ қайта баҳоланган бўлиб, бундай қайта баҳолаш жорий йилнинг 1 январ ҳолатига баҳоланиб келинмоқда.

Захира фонди бу фонд фойдадан ажратмалар ҳисобига ташқил қилинади. Фонднинг асосий мақсади бўлиб, ғавқулотда зарарларни қоплаш, акцияларни қайта сотиб олиш ҳисобланади.

Жамғарма фонди бу фонд корхоналарнинг ишлаб чиқаришини кенгайтириш учун ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун мўлжалланган. Бу фонд ўз олдига қуйган мақсадига эришиш учун инвестиция фондидан ва амортизация фондидан фойдаланади.

Таркибий бўлинмаларнинг ялпи даромади ижара ҳаққи, мазкур бўлинма томонидан бошқа бўлинмаларга ёки корхонага етказилган зарарни қоплаш манбаи бўлиб хизмат қилади.

Корхона даражасида барча молиявий мажбуриятларни бажарган бўлинма ихтиёрида соф фойда қолади

Бўлинма ўзининг соф фойдасидан хусусий жамғарма ва истеъмол, шунингдек захира фондларини ҳосил қилади. Жамғарма фонди ҳисобидан

ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, истеъмол фонди хисобидан, одатда, ижтимоий ривожланиш ва меҳнат жамоасини моддий рағбатлантиришга, захира фондидан, масалан айланма ишлаб чиқариш фондини (марказлашган ҳолда белгиланганидан ортиқ) ташкил этишга маблағ ажратилади.

Таркибий бўлинмалар даромадини шакллантиришга бундай ёндошиш қуйидагиларга имконият яратади:

- режалаштириш даражасида корхона даромадининг бир қисmini ишлаб чиқариш харажатларига пропорционал тарзда тақсимлашга (бунда ялпи ва соф даромаднинг бўлинма иш якунлари билан ўзвий боғлиқлиги ўрнатилади);
- корхона ички даражасида товар пул муносабатлари элементларининг, бўлинма маҳсулотининг (ишининг, хизматининг) режалаштирилган ҳисоб-китоб нархи шаклланишига;
- корхона ички даражасида товар-пул муносабатлари элементларининг ташкил этилишига имкон яратувчи, бўлинма маҳсулотининг (ишининг, хизматининг) режалаштирилган ҳисоб-китоб нархи шаклланишига;
- корхона ички оборотини чеклайди ва шу орқали корхона даромадини тақрорий ҳисоблашларга йўл қўйилишининг олдини олишга имкон беради.

Таркибий бўлинмалар ва уларнинг меҳнат жамоалари режалаштирилган топшириқлар ва шартномавий мажбуриятларни сўзсиз бажарилиши бўйича жавобгардирлар. Таркибий бўлинма шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги учун қўрилган зарарни қоплаш масъулиятини ўз зиммасига олади.

Иқтисодий зарарни аниқлаш ва моддий йўқотишлар ўрнини қоплаш корхонанинг ички иқтисодий муносабатлари доирасида амалга оширилиб, унинг асосида қуйидаги принциплар ётади:

- барча бўлинмалар (асосий, ёрдамчи, хизмат кўрсатувчи, бошқарув) томонидан иқтисодий зарар ва моддий йўқотишлар ўрнини қоплаш;
- ишлаб чиқаришнинг барча уч элементи (меҳнат предметлари, меҳнат воситалари, ишчи кучи) бўйича эътирозлар ва санкциялар системасига кириш;

- иқтисодий (моддий) жавгарликни сўзсиз ва ўз муддатида амалга ошириш;
- кўрилган зарарга боғлиқхолда эътирозларнинг объектив бўлиши ва санкцияларнинг реаллиги;
- иқтисодий зарарнинг тўла хажмда қорежаиши;

зарарни қоплаш манбасини тўғри танлаш, чунки бунга муайян даражада ишнинг самарадорлиги болиқ бўлади.

Бу прииципларнинг барчаси у ёки бу даражада профилактика ишларини олиб боришга имкон яратади, яъни аксарият холларда корхоналарда кузатилувчи шартномавий мажбуриятлар бузилишининг олдини олади. Жуда катта айланувчанлик шароитида тўловга қобилиятсизлик, хом ашё, материаллар, бошқа эҳтиёт қисмларни етказиб беришда ўзилишлар эҳтимоли кучаяди. Айланувчанлик айланишлар сони билан ўлчанади:

Муайян вақт оралиғидаги реализация хажми ўша вақт оралиғидаги айланма воситаларнинг ўртча суммаси. Агар айланма воситаларнинг айланишлари сони кўпайса ёки бир хилда бўлса, у холда корхона бир текис ишлаётган ва молиявий ресурсларидан рационал фойдаланаётган бўлади. Кўрилатган даврдаги айланишлар сонининг пасайиши корхонанинг ривожланиш суръати пасайганлигини ва унинг молиявий ахволи оғирлашаётганлигини билдиради.

Айланма воситаларнинг айланишини тезлатиш уларии айланишдан бутунлай ёки қисман озод қилади. Тўлиқ озод бўлишда жорий йилда айланма воситалар суммасининг камайиши (махсулот сотилиши ўсган холда) тушунилади. қисман озод бўлиш сотиш хажми айланма воситалар ўсиш суръатидан ўзиб кетганда содир бўлади. Бунда асосий воситалар хажми камлиги шароитида сотишнинг катта ўлчамлари таъминланади.

Ўз айланма воситалари билан таъминланиш кўрсаткичлари корхона учун мухим хисобланади. Улар корхонанинг ўз айланма воситаларининг айланма воситаларнинг жами суммасига нисбати орқали аниқланади.

Ишлаб чиқаришнинг модернизациялаш ва молиявий самарадролликка эришида инвестицияларнинг ахамияти катта бўлиб усиз буни амалга ошириш турл

хилдаги муаммоларни юзага келтиради. Инвестиция (сармоя) - бу фойда олиш мақсадида муайян ишга йуналтирилган узоқ муддатли капитал қуйилмадир.

Молиявий инвестицияга қимматли қоғозлар, акциялар, акцияларни сотиб олиш, фоиз эвазига банкларда депозит ҳисоб ракамларга пул қуйиш киради.

Реал инвестиция эса капитал қурилиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришга капитал қуйилишини англатади.

Нормал фаолият кўрсатувчи корхоналарнинг асосий хўжалик вазифаларидан бири максимал даромад олиш мақсадида уз пулидан унумли фойдалана олиш ҳисобланади. Иқтисодиётнинг модернизациялаш даврини бошдан кечираётган ҳар қандай мамлакатда муайян молиявий кийинчиликларнинг келиб чиқиши табиий ҳолдир.

Мамлакат иқтисодиётини юксалтиришда, унинг ривожланган мамлакатлар каторидан жой олишида ишлаб чиқаришнинг жаҳон андозалари асосида юритилиши муҳимдир. Ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияларни жалб этишда хорижий сармояларга кенг ўрин берилмоқда. Бу борада шахсан республика Президентининг ўзи жонбозлик кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг давлат мулкани хусусийлаштиришда хорижий сармояларни жалб қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори қабул қилинган, хорижий инвестициялар киритиш учун янада кенг имкониятлар яратилди.

Хўжалик субъектларида молиявий ресурсларнинг етишмаслиги аҳволни янада мураккаблаштиради. Сармоялар соҳасидаги ислохотларнинг асосий йуналишларидан бири давлат томонидан сармоя қуишнинг қисқартирилиши ҳисобланади.

Инвестицион соҳа ислохотида хусусийлаштирилган корхоналарнинг сармоявий фаолиятига ҳам муҳим ўрин ажратилади. Корхоналар, мулкани ва акцияларини сотиш ҳисобига капитал қуйилмаларини молиявий таъминлаш учун қўшимча имкониятларга эга бўлади, деб ҳисобланади. Аммо акцияларга талабнинг сустлиги ва катта қисми меҳнат жамоаси ҳамда маъмуриятга

биркитилганлиги туфайли бир катор ҳолатларда хусусийлаштиришнинг инвестицион самарадорлиги кутилган натижадан паст бўляпти.

Яна шуни таскидлаш керакки, ички ва ташқи сармолдорларни жалб этиш учуи эркин бозорда уз акцияларини жойлаштиришда уларнинг манфаатдорликлари ҳисобга олинмаган, корхонада қизиқтириш механизми яратилмаган. Акционерлик жамиятларига айлантириш жараёни акцияларни сотиш ва иккиламчи бозорда уларнинг баҳосини кўтариш ҳисобига қўшимча инвестициялар тушириш манбаига айлантирилмади, Инфляциянинг пасайиши, банк фоизи ставкаларининг камайиши ва давлат киска муддатли облигацияларининг даромадлилиги иқтисодиётнинг реал тармогига катта миқдорда кредит ресурсларини жалб этишга кумак бериши керак. Лекин ҳозирча бу захиралар етарли эмас. Шу сабабли ишлаб чиқаришни кенгайтиришга интилаётган корхоналар олдида инвестиция манбаларини излаш муаммоси юзага келди. Мамлакат ичкарасида молиявий захиралар тақчиллиги сезилаётгани туфайли кўплаб корхоналар сармоя ажрата оладиган, замонавий ишлаб чиқариш ва бошқарув технологиясига эга бўлган ҳамда чет эл бозорига чиқишга ёрдам берувчи хорижий ҳамкорлар топишга интилмоқда. Бугунги кунда хорижий сармояларни кенг куламда жалб этиш халқ хўжалигини структуравий қайта кўришга эришишнинг муҳим шарти, деб қаралмоқда. Лекин бу ўринда энг асосий муаммо шундаки, бизнинг тадбиркорларнинг ўзига хос манфаатлари ҳар доим ҳам бир-бирига мос тушавермайди. Кўплаб сабаблар туфайли хорижий инвесторларнинг асосий қисми иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган мамлакатларга сармоялар қуйишга факатгина дивиденд ва фоизлар кўринишида пул ишлаш йўли деб қарамайдилар. Улар бундай сармоя киритишни уз умумий стратегиясининг бир қисми деб ҳисоблайдилар. Хорижий тадбиркорларнинг асосий мақсади эртаси бор бўлган бозорда мустаҳкам урнашиб олиш, молиявий оқимлар устидан назорат урнатиш, импорт ва валюта чеклашларини четлаб ўтиш ва баъзан рақобатчи корхонани бозордан сиқиб чиқаришдан иборат. Шу сабабли ҳам хорижий инвестицияларга иқтисодиётни кўтаришда асосий

ҳаракатлантирувчи куч сифатида қараш мумкин эмас. Хорижий инвестицияларни жалб этиш, ҳаёт эл тадбиркорларига имтиёзлар яратишда, аввало, мамлакат манфаатидан келиб чиқиш лозим. Шунинг назарда тутиш керакки, агар корхона устидан назорат юритиш хорижий тадбиркорлар кулида бўлса, у ҳолда қарор қабул қилиш ҳуқуқи ва даромад мамлакатдан ташқарига кучади. Корхона эгалари назарида фойдали бўлган қарор мамлакат иқтисодиёти учун бутунлай зарарли бўлиб қолиши мумкин.

Мисол учун агар корхона тугатиладиган бўлса, унинг ходимлари даромади ҳам йуқолади, давлат даромади қисқаради, бунинг устига, давлат ишсиз ходимларни ишга жойлаштириш харажатларини ўз зиммасига олиши керак бўлади. Айнан шу сабабли ҳам хорижий ҳамкорларни жалб этишда, бу лойиҳада иштирок этаётган барча томонлар манфаатларининг муносиблигига асосланиш лозим. Аммо манфаатлар қилишиб олинган ҳаётда ҳам бу иқтисодиёти ўтиш даврини бошдан кечириётган мамлакатлар корхоналарининг хорижий шериклар билан ҳамкорлиги муваффақиятли бўлади, деган маънони англатмайди. Одатда хорижий инвесторларни корхона фаолиятининг 4 муҳим жиҳати қизиқтиради:

- ишлаб чиқариш имкониятлари;
- корхонанинг бозор нуқтаи назаридан тутилган маҳсулоти ва бунинг корхона раҳбарияти томонидан тушунилиши;
- бошқарув тизимининг аҳоли;
- корхонанинг ижтимоий муҳит билан муносабати;

Корхона раҳбарлари ва ташқи инвесторлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни кийинлаштирувчи сабаблардан бири сифатида уларнинг инвестицион жараёни тасаввур этишлари кийин кечишини кўрсатиш мумкин. Корхона раҳбарларининг фикрича, инвестицион жараёнининг бир мунча мураккаб бўлиши - бу сармоя жалб этиш ва уни сармоядорга қайтариш, яъни ҳамкорликнинг ўзаро олди-берди бўлишида иборат. Олинган маблағнинг самараси, ўзлаштириш ва фойда олиш улар учун муаммо ҳисобланмайди.

Бундай муносабатни кискача қуйидагича ифодалаш мумкин: «Менга пулни беринг, уни қандай сарфлашни ўзим биламан». Лекин инвесторлар хайрия ишлари билан шуғулланишмайди, юқорида таъкидланганидек улар маблағни ўз шахсий манфаатлари йўлида сарфлашади. Уларнинг ўз сармоялари қўйилган корхонани бевосита бошқаришда қатнашишга ёки бундай корхонани назорат қилишга интилишлари шу билан изоҳланади.

Юқорида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ҳам бозор муносабатларига ўтиш жараёнида турган давлат ҳисобланади ва инвестицион муҳитнинг ҳамма хусусиятлари Ўзбекистон учун ўринлидир.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон иқтисодиётига турли мамлакатлар томонидан киритилаётган сармояларни, республикадаги инвестицион муҳитнинг ўзига хос хусусиятларини:

- халқаро молия ташкилотларининг инвестициялари;
- халқаро банкларнинг инвестициялари;
- чет мамлакатлар ҳукуматлари ажратган инвестиция маблағлари;
- миллатлараро компаниялар инвестициялари.

Умуман олганда, инвестиция ишлаб чиқаришнинг ривожланишини жадаллаштиради, аҳоли учун қўшимча иш жойлари яратилишига имкон беради. Ўзбекистон Президент И. Каримов инвестицияларнинг ролига юксак баҳо бериб, «Инвестиция базасини ривожлантириш ва чуқурлаштириш ислохотларимиз стратегиясининг жуда муҳим шартидир. Иқтисодиётни таркибий жихатдан қайта қуриш, экспорт имкониятини кенгайтириш соҳасида белгиланган йўналишлар кучли инвестиция сиёсатини ўтказиш билангина руёбга чиқади.

Ҳозирги шароитда ишлаб чиқариш корхоналари молиявий режалаштириш орқали солиқлар тўлангандан кейин ўз ихтиёрида қоладиган фойдани ишлатиш йўналишларини белгилаб олади.

Молиявий ресурслардан асосий уринни фойда ва миллий бойлик тутати. Булар иқтисодий узиш манбаини ташкил этади. Фойда ва соф даромад сифатида инвестиция, турли резервлар, сугурта ва ижтимоий фондларни


уюштириш учун таксимланади. Молиявий ресурслар пул шаклида булганлиги туфайли улар моддий таъминланиш оркалигина иктисодий кучга эга буладилар.

Агарда уларни махсулот билан коплаш имкони булмаса, унинг иктисодиёт учун, айникса ишлаб чиқариш учун ҳеч қандай таъсири булмайди. Молиявий ресурслар икки турга, яъни микро ресурслар ва макроресурсларга булинади.

Бозор иктисодиётида, албатта микроресурслар асосий уринни эгаллайди. Бозорда эркин иктисодий фаолият шароитида албатта фирма, концерн, корпорация, бирлашма, корхоналарнинг молияси асос ҳисобланади. Лекин бозор иктисодиётини тартибга солишда давлат молияси етакчи уринда булади.

Корхоналар молиявий ресурслари манбалари:

4-расм



Манба: Д. Грибоедов, В. П. Грузинов. Экономика предприятия: Учебник.- М: Финансы и статистика, 2004.- 336 стр.1 экз.

Устав фонди - корхоналар маблагларининг муҳим манбаидир. Унинг миқдори асосан корхона ихтиёрида қолдирилган фойда ҳисобида қупайиб боради. Резервлар корхона ички ресурслари ҳисобига ташкил қилинади. Уларга келгуси давр туловлари резерви, қаролатлаш резерви ва бошқалар қиради.

Банкдан олинган кредитлар узок ва қисқа муддатли бўлади. Кредитлар корхонага маълум мақсад учун белгиланган муддатга қайтариб бериш шарти билан вақтинча қайдаланишга берилади. Сармоясининг жами пул сармоясига нисбатан икки баробардан ортиқ суръат билан ўсиб бораётган ўз айланма сармоясига ортиги билан эгаллик қилиши имкони беради, ўшбу қўрсаткичлар ўртасидаги нисбат қам бўлганлиги ҳолатида эса аксинча ўз айланма маблагларида етишмовчилик сезади.

Бўнинг оқибатида ўз айланма сармояси билан захиралар ва сарф-харажатлар қиймат баҳоси ўртасидаги муносабатлик даражаси пасайиб кетади. Юқоридаги қўрсаткичлар ва корхонанинг жами пул сармоясидаги низомий сармоясининг ўлуши ўртасида тўғридан- тўғри боғлиқлик мавжуддир.

Ўз айланма сармоясининг аҳоли акциядорлик жамиятининг айланма актив қиймат йиғинди баҳоси ва жалб этилган сармояси ўртасидаги муносабатликни сифатловчи умумлашган ликвидлик қўэффициентида аксини топади.

Корхонанинг ишлаб чиқариш харажатлари деб, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан боғлиқ харажатларга ёки давр харажатларига айтилади.

Уларга ҳом ашё, материал, ёқилғи, амортизация ажратмаси, ишчи ва хизматчилар иш ҳақи ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар қиради. ҳар бир хил маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларнинг жами суммасини ишлаб чиқарилган маҳсулот сонига тақсимласак, ишлаб чиқарилган бир маҳсулотнинг таннари қелиб қиқади.

Таннарх кўрсаткичи корхона фаолиятида муҳим сифат кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. У қанча паст бўлса, ишлаб чиқариш рентабеллиги шунча юқори бўлади.

Юқорида ишлаб чиқариш харажатларига берилган тушунчалардан маълумки, таннархга корхоналарнинг ҳамма харажатлари қўшилмайди, баъзи харажатлари бошқа манбалар ҳисобидан қорежаади. Масалан, фойда ҳисобидан давр харажатлари қорежаади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари харажат калкуляция моддалари бўйича ишлаб чиқариш турлари харажатнинг вужудга келиш жойлари, маҳсулот турлари бўйича бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади. Харажатларни ана шундай умумлаштириш ва гуруҳлаш учун бир неча синтетик бухгалтерия счётлари қўлланилади.

Ишлаб чиқариш харажатларига маҳсулот ишлаб чиқариш технологик жараёни билан тўғридан тўғри боғлиқ харажатлар киради. Масалан, ишлаб чиқариш аҳамиятидаги материал, ишлаб чиқариш характеридаги меҳнатга ҳақ тўлаш, ижтимоий суғуртага ажратма харажатлари, ишлаб чиқариш харажатлари киради.

Ишлаб чиқариш аҳамиятидаги материал харажатларига «Харажатлар таркиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ қуйидагилар киради:

1. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот асосини ташқил қиладиган, четдан сотиб олинадиган хом ашё ва материаллар.
2. Маҳсулот ишлаб чиқариш технологик жараёнини меъёردа таъминлаб туриш, маҳсулот ураш ва бошқа ишлаб чиқариш мақсадлари учун маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида ишлатиладиган, сотиб олинган материаллар. Шунингдек, асосий фондлар, арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар қаторига кирмайдиган бино, иншоот, асбоб ускуналарни таъмирлашда ишлатиладиган сотиб олинган материаллар ва эҳтиёт қисмлар.

3. Ушбу корхонада қўшимча қайта ишлашни ёки йиғишни талаб этувчи сотиб олинган комплектлашган махсулот ва ярим тайёр махсулот.
4. Асосий фаолият турига тааллуқли бўлмаган чет корхона ва хўжаликларга бажариладиган ишлаб чиқариш характеридаги иш ва хизматлар.
5. Табиий ҳамда минерал хом ашё базасини қайта тиклаш учун қилинадиган ажратмалар сув учун тўланадиган тўловлар ва бошқалар.
6. Четдан сотиб олиннадиган ёқилғининг ҳамма турлари. Технологик мақсадларга, корхона транспорти бажарадиган ишлаб чиқаришга хизмат қилиш бўйича транспорт ишларига, биноларни истишга, ишлаб чиқаришга сарфланадиган энергиянинг ҳамма турлари.
7. Корхонанинг хўжалик, технологик ва бошқа ишлаб чиқариш мақсадлари учун учун сотиб олиннадиган энергиянинг ҳамма турлари.
8. Меъёр чегарасидаги материал ресурсларининг камомади ва бузилишидан келадиган нобудгарчилик.
9. Материал ресурсларини транспортда ташиш, ортиш, тушириш билан боғлиқ харажатларининг тегишли элементиға қўшилади.
10. Мол етказиб беручилардан олинган материал ресурслари билан бирға сотиб олинган тара ва ўраш харажатлари материал ресурслари қийматиға қўшилади.
11. Махсулот таннархига қўшиладиган материал ресурслари характерларидан, қайтарилган чиқиндилар ёки таралар қиймати уларни сотиш ёки улардан фойдаланиш ҳақиқий таннархи бўйича чиқариб ташланади.

Бизға маълумки, ҳар бир корхона ўзи ишлаб чиқарган махсулотни реализация қилади ва шу билан хўжалик жараёнларининг якунловчи босқичи содир бўлади. Махсулотни реализация қилиш учун эса қатор харажатлар қилинадики, бозор иқтисодиёти шароитида улар корхонада содир бўладиган харажатларнинг асосий салмоғини ташқил этади.

«Харажатлар таркиби тўғрисида»ги Низомға асосан махсулот реализацияси билан боғлиқ бўлган харажатлар таркибига қуйидагилар киритилади:

махсулотни ўраш, сақлаш, ортиш, жойигача ташиш, меъёр чегарасида реклама харажатлари ва хоказо.

Шуни қайд этиш лозимки Низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 1995 йил 4 апрелдаги 17-02.98 сонли «Корхона ташкилотлар бухгалтерия ҳисоботида ўзгаришлар тўғрисида»ги қарорига асосан корхона ва ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисоботи, молиявий ҳисоботига, счётлар режасига баъзи ўзгаришлар киритилди. Жумладан махсулот реализацияси билан боғлиқ бўлган харажатларни ҳисобга олиш тартибида ҳам ўзгаришлар мавжуд. Ушбу харажатларда эндиликда аввалгидек махсулот тўла таннархига киритиладиган ишлаб чиқаришдан ташқари харажатлар сифатида юритилмайди, балки 9400-«Давр харажатлари» счётининг 9410-«Махсулот реализацияси харажатлари» субсчётида юритилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир корхона, ташкилот ўзининг молиявий ресурсларини ташқил қилиши ва ундан фойдаланиши мумкин. Бу маблағларнинг манбаи эса фойда, амортизация фонди, қимматли қоғозларни сотишдан тушган маблағлар, акция эгаларининг бадали ва улушлари, кредитлар, мақсадли молиялаштириш маблағлари ва шунга ўхшаш йўналишдаги маблағлардир. Корхонанинг устав капитали унинг маблағларининг ташқил бўлишида асосий манба ҳисобланади.

Устав капиталининг ҳолати ва ҳаракати 8510-«Устав капитали» номли пассив, синтетик счётида ҳисобга олиб борилади. Бу счётнинг кредит қолдиғи қайд қилинган устав капиталининг суммасини билдиради, дебет устав капиталининг камайиши, кредит устав капиталининг кўпайишини билдиради.

Корхонанинг фаолиятига асосий баҳо берадиган кўрсаткич молиявий натижа ёки балансда кўрсатилган, яъни фойда ва зарардир. Бу фойда ва зарарлар қуйидаги муомалалар натижаси бўйича олинади:

а) махсулотларни реализация қилиш бўйича;

- б) ишларни бажариш ва хизмат кўрсатиш натижасида;
- в) асосий воситаларни сотиш натижасида;
- г) номоддий активларни сотиш бўйича;
- д) моддий қийматликларни сотиш бўйича;

Бундан ташқари корхона реализациядан ташқари муомалалар бўйича ҳам фойда ёки зарар кўриши мумкин:

- а) олинган ёки тўланган жарималар суммаси;
- б) валюта курсидаги фарқ;
- в) қимматбаҳо қоғозлар бўйича олинган даромадлар;
- г) бошқа корхоналар улушлари бўйича олинган даромадлар;
- д) бошқа турдаги даромадлар ва сарфлар;

Ушбу даромад ва йўқотишлар 9900-«Якуний молиявий натижалар» счётида йиғилиб борилади ва бошқа счётлар билан боғланади.

1.3 Республикамизда ишлаб чиқариш корхоналар молияси ва уни модернизациялаштиришнинг ҳуқуқий асослари.

Ишлаб Чиқаришнинг ривожланиши, уз навбатида бир катор шароитларнинг мавжуд булишини таказзо этади, улар асосида умуман товар ишлаб чиқаришнинг умумий ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари ётади.

Биринчидан, Ишлаб чиқарувчи хужалик юритишда унинг субъектларида хужалик юритишнинг у ёки бу турини танлаш бўйича, ишлаб чиқариш дастурини шакллантириш, манбаларни танлаш, ресурс топиш, махсулот сотиш, уларга баҳо белгилаш, фойдани тасарруф қилиш ва шу кабилар бўйича маълум ҳуқуқ ва эркинликлар мавжуд булишини таказзо этади.

Иккинчидан, Ишлаб чиқарувчи ишлаб чиқариш воситаларига, ишлаб чиқарилган маҳсулот ва олинган даромадга мулкчилик ҳуқуқига эга бўлиши керак. Тадбиркорлик фаолияти мулкдорнинг узи томонидан ҳам, унинг мол-мулкidan фойдаланиш асосида иш юритувчи субъект томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Хужалик юритиш ҳуқуқи мол-мулкдан фойдаланиш ва даромадни тасарруф қилиш Ишлаб чиқарувчи томонидан такрор ишлаб чиқариш жараёнини бош-қаришнинг шарт-шароитини ташкил қилади.

Маълумки, Ишлаб чиқарувчининг вазифаси нафакат фойда олишга, балки уни қайси мақсадларда ишлатиш ва самарали сарфлаш йулларини топишга қаратилган, яъни у истеъмолчи тақсимотчи нуктаи назаридан эмас, балки юқори рақобатбардошлиликни сақлаб туриш, хужаликни такомиллаштириш, кенгайтириш ва шу қабиларни амалга оширишга асосланади.

Учинчидан, хужалик юритиш йулини эркин танлаш, даромадни инвестициялаш имконияти ва шу қабилар реал таъминлайдиган, маълум иқтисодий муҳит ва ижтимоий сиёсий шароит яратиш зарур.

Туртинчидан, эркин тадбиркорлик, мулкчилик ва узлаштиришнинг турли-туман шакллари ва турларини тақозо қилади, уз навбатида турли-туманликни узи объектив ҳодиса бўлиб, ишлаб чиқарувчи қучларнинг ривожланиш оқибатисифатида майдонга чиқади.

Етарли молиявий манбаларга, яхши маълумот ва малакали тайёргарликка эга бўлиши, умумий тижорат қонунчилиги, солиқ бўйича имтиёзлар, тадбиркорлик муҳити ва уни ривожлантиришда жамият манфаатдорлигининг мавжуд бўлиши тадбиркорликни ривожлантиришнинг навбатдаги шарт-шароитлари ҳисобланади.

Юқорида қуриб чиқилган барча шарт-шароитлар мавжуд бўлган давлатларда Ишлаб чиқариш умуман олганда тадбиркорлик фаолияти яхши ривожланади. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва қохоналарни молиясини самарадорлигини ошириш борасида Ҳукумат томонидан қўплаб имтиёзлар берилди ва улар қонун ҳимоясига олинди.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш ва унинг ҳукукий ҳимоясини таъминлаш – амалга оширилаётган иктисодий ислохотларнинг энг асосий йуналиши ҳисобланади. Зеро, тадбиркорлик ривожи – юртимиз ва иктисодиётимиз тараккиёти гаровидир.

2011 йилнинг Президентимиз томонидан “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиниши ҳам бежиз эмас. Юртбошимиз бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик узининг иктисодиётимиздаги ута муҳим ва салмоқли ҳиссаси, роли ва таъсири, содда қилиб айтганда, бошқа ҳеч бир соҳа ва йуналиш урнини босолмайдиган катта аҳамияти билан давлат ва жамиятимиз ривожланишида алоҳида урин эгаллайди, деб алоҳида таъкидладилар.

Истиклолнинг дастлабки кунларидан бошлаб Президентимизнинг бевосита раҳбарлигида юртимизда иктисодий-ижтимоий ва ҳукукий соҳаларни ислох этиш баробарида эркин тадбиркорлик ва фаолиятини қарор топтириш борасидаги ислохотлар ҳам мантикий изчилликда босқичма-босқич амалга ошириб келинди.

Мамлакатни демократлаштириш бўйича ишлаб чиқилган “ўзбек модели”, иктисодиётнинг мафкурадан холилиги ва сиёсатдан устунлиги, давлатнинг бош ислохотчи вазифасини бажариши, Конституция ва қонунлар устуворлигини таъминлаш, қучли ижтимоий сиёсат утқизиш, ислохотларни босқичма-босқич ва изчил амалга ошириш тамойиллари – ижтимоий йуналирилган бозор иктисодиётига утишнинг асосларини белгилаб берди. Энг муҳими, мустақиллик йилларида тадбиркорлик фаолияти учун қулай муҳит ва шарт-шароит барпо этишга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини самарали ҳукукий ҳимоя қилишга қаратилган мингдан зиёд қонун ҳужжатларидан иборат мустаҳкам норматив-ҳукукий база яратилди.

Хусусан, сунгги йилларда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари, қарорлари ҳамда ҳукумат қарорлари натижа-сида тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг хабардор қилиш тартиби жорий этилди, уларнинг молия-ҳужалик фаолиятини факат солиқ идо-

ралари текшириши мумкинлиги ва тадбиркорларга нисбатан ҳар қандай санкциялар суд қарорига биноан қулланилиши белгиланди. Шунингдек, ҳисобот тақдим этишнинг барча шакллари ва турлари, тадбиркорлар фаолиятига асоссиз аралашув ва текширишлар сони кескин қисқартирилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тугрисида”ги, “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тугрисида”ги Қонунларига мувофиқ тадбиркорлик субъектларининг фаолияти назорат қилувчи органлар томонидан режали тартибда қўпи билан йилига бир марта, тадбиркорлик субъектларининг молия-хужалик фаолияти режали асосда қўпи билан уч йилда бир марта, микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хужаликларининг молия-хужалик фаолияти эса қўпи билан тўрт йилда бир марта текширилиши мумкин.

Шунингдек, ушбу қонунларда янги ташкил этилган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хужаликларининг молия-хужалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида режали текширувдан ўтказилиши мумкин эмаслиги, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширувдан ўтказиш ўттиз календарь кунидан ошмаслиги кераклиги алоҳида назарда тутилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси асосида микрофирмалар ва кичик корхоналар учун солиқлар ва мажбурий ажратмалар тулаш ўрнига ягона солиқ тулови жорий этилди. Бугунги кунда мамлакатимизда микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ туловининг ставкаси дунё давлатлари орасида энг паст бўлган 6 фоизни ташкил этади.

Шуни эътироф этиш керакки, дунё мамлакатлари иқтисодиётида давом этаётган молиявий-иқтисодий инкирозга қарамасдан юқорида изоҳлаб берилган ва ўзқўни қўплаб қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар, қолаверса, Президентимизнинг 2008 йил 28 ноябрдаги 4058-сонли Қармони билан тасдиқланган 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инкирозга қарши қўралар

дастурининг изчил амалга оширилиши натижасида юртимизда иктисодий усиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятининг баркарорлиги саклаб қолинди.

Шунингдек, Президентимизнинг 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис палаталарининг кушма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да ҳам демократик бозор ислохотлари жараёнларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада кучайтириш борасида келгусидаги муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Шунингдек, 2012 йилда тадбиркорлардан келган ариза ва шикоятларни адлия бошқармаси ходимлари томонидан урганиш натижаларига қура қиркка яқин тадбиркорнинг ҳақ-ҳуқуқлари тикланди.

Шу билан бирга, Адлия бошқармаси томонидан бошқа идоралар билан ҳамкорликда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида мунтазам утқазиб келинаётган “Очик эшиклар куни”да бугунги кунда тадбиркорлик фаолияти учун яратилган кенг имтиёзлар ва қулай шарт-шароитлар, тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими ҳақида маълумот бериш билан бир қаторда тадбиркорларнинг кундалик фаолиятида учраётган муаммоларини ҳал қилишга ва уларга амалий ёрдам беришга алоҳида эътибор қаратилади.

Мухтасар қилиб айтганда, бугунги кунда қимқи тадбиркорга таянч бўлса юртимиз раънақиға уз ҳиссасини қушади, қимқи тадбиркорга тусиқ ва гов бўлса қонунчилиқда белгиланган жавобгарлиққа тортишға сабаб бўлади. Бу ҳақиқатни унутишға ҳеч қимқи ҳаққи йуқ.

Юртимиз иқтисодиёти ривожида ишлаб чиқариш субъектларининг ҳиссаси ниҳоятда қатта. Хусусан, улар аҳоли турмуш фаровонлигини юқсалтириш, фуқароларимизнинг бандлигини таъминлаш, ички бозорни рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдиришда муҳим аҳамият қасбётмоқда. Тадбиркорлик билан шуғулланишға қарор қилган фуқароларға ёрдам бериш, мавжуд бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, коррупция ҳолатларини фoš этишға қаратилган тадбирлар самараси ўлароқ, уларнинг қонуний фаолият

кўрсатишига, ривожланишига тўсиқ бўлаётган ноқонуний ҳолатларни фoш этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ишлаб чиқариш муҳитини ривожлантириш, давлат ва назорат органларини корхоналар молия-хўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш, солиқ юкларини пасайтириш, хўжалик субъектлари томонидан топшириладиган давлат статистик ҳисоботларининг сонини қисқартиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари қабул қилинганлиги ишлаб чиқариш тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида катта имкониятлар яратиб берди.

Ушбу ўрганилган бoбни хулoса қиладиган бўлсак, мазкур мавзуда ўрганиш объекти бўлиб ишлаб чиқариш корхоналари ва уларнинг бирлашмаларининг хўжалик жараёнида вужудга келадиган ҳамда маблағларининг шаклланиши ва қарз маблағларининг жалб қилиниши, уларнинг корхонанинг харажатлари ва инвестицияларини молиялoш-тиришга ишлатилиши, фойданинг ҳосил бўлиши ва олинган фойданинг тақсимлoшаниши билан боғлиқ бўлган пул муносабатлари ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш муносабатлари аслида, кенг маънода кишиларнинг соф ишлаб чиқаришидаги муносабатларинигина ифода этмайди, шу билан бирга у ишлаб чиқаришнинг натижаларини тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш соҳаларидаги муносабатларни ҳам акс эттиради. Такрор ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлганлиги учун ишлаб чиқариш муносабатлари иқтисодий муносабатлар деб аталади.

Ишлаб чиқариш деб табиат буюмларини кишиларнинг истеъмолларига мослаштириш жараёнига айтилади. Бошқача айтганда, ишлаб чиқариш дейилганда ишлаб чиқариш омилларини истеъмол қилиш, уларнинг шаклини ўзгартириш ва инсон эҳтиёжларини қондириш учун йўналтириш тушунилади. Кишилар эҳтиёжи доимий ва чексиздир, айни вақтда эҳтиёжлар ранг-барангдир. Масалан, костюмни истеъмол қилиш жараёни бир-икки йилни ташкил этади, кейин яна костюмга эҳтиёж туғилиши табиийдир ёки уйни иситиш учун кўмир истеъмол қилинган бўлса, янаги йил учун яна кўмир

жамғариб қўйиш зарурати бор ва ҳ.к. Демак, эҳтиёжларни қондириб бориш ҳаёт тақозоси экан. Бунинг моддий омили эса ишлаб чиқаришни такрорлашдир. Истеъмол қилиш такрорланиб турилганлиги сабабли ишлаб чиқариш ҳам такрорийлик касб этади. Шундай қилиб, такрор ишлаб чиқариш истеъмол неъматлари яратишни қайтадан бошлаш ёки янгилаб туришдир, ишлаб чиқаришнинг такрорланиб туриши такрор ишлаб чиқаришдир.

Шу сабабли ишлаб чиқаришни кенгайтиришга интилаётган корхоналар олдида инвестиция манбаларини излаш муаммоси юзага келди. Мамлакат ичкарасида молиявий захиралар такчиллиги сезилаётгани туфайли кўплаб корхоналар сармоя ажрата оладиган, замонавий ишлаб чиқариш ва бошқарув технологиясига эга бўлган ҳамда чет эл бозорига чиқишга ёрдам берувчи хорижий ҳамкорлар топишга интилмоқда. Бугунги кунда хорижий сармояларни кенг куламда жалб этиш халқ хўжалигини структуравий қайта қўришга эришишнинг муҳим шarti, деб қаралмоқда.

II.Боб. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш корхонасининг молиявий самарадорлиги таҳлили (МЧЖ "JAKO INDUSTRIAL GROUP"(Akfa) мисолида).

2.1. МЧЖ "JAKO INDUSTRIAL GROUP" ишлаб чиқарувчи корхонасининг молиявий ҳолати

АКФА компанияси ўз фаолиятини 1998 йилда бошлади. Марказий Осиёо бозорининг егалланишида аlyумин профил ишлаб чиқаришга асосланган заводнинг очилиши муҳим қадамлардан бири бўлди. Орадан бироз муддат ўтгач ПВХ профиллар ишлаб чиқарувчи завод ҳам ишга туширилди. Бугунги кунда «АКФА» компаниялари гуруҳига Тошкент шаҳрида жойлашган аlyумин ва ПВХ профиллар, аксессуарлар, шунингдек, қурилиш маҳсулотларининг кенг ассортиментини тайёрлайдиган корхоналар киради. Бундан ташқари компаниянинг Ўзбекистон республикасида қуйидаги ишлаб чиқариш секторлари фаолийат юритмоқда:

- бир марталик шпритслар;
- дераза, ешик ва мебел фурнитуралари учун аксессуарлар;
- шуруп, саморез, йевровинтлар;
- стикерлар;
- метал черепитса, профнастиллар;
- полиетилен қоплам ва витраж тизимлар йиғмалари;
- ПВХ-гранула;
- кукунли бўйоқлар;
- энергийани тежовчи люминесцент лампа, розетка ва виклучателлар;
- металл кучайтиргич ва картон қутилар;

Айни кунда «АКФА» ўзининг қуйиш комплекси, қанодлаш ва галваника, ламинатлаш каби саноат секторлари, шунингдек, Марказий Осиёда ягона бўлган ТНБ лабораторийасига ега. «АКФА» экспорт ва импорт йўналишини жадал равишда такомиллаштириб бормоқда, бундан ташқари, йирик медиа-лойиҳаларга муваффақият билан продўсёрлик қилмоқда. 2008 йилда «АКФА» компаниясига сифат менежменти тизими сингдирилганлиги ва амалда қўлланилаётганини тасдиқловчи ИСО 9001 Халқаро сифат сертификати топширилди. 2006 йилда компания махсулотларининг илк партияси экспорт қилинди. Бугунгу кунга келиб компаниянинг экспорт ҳажми умумий ишлаб чиқаришнинг 40 % ини ташкил қилади. 1998 йилда биринчи «АКФА» деразалари ўрнатилган еди. Бугун еса бу рақам миллионларни ташкил қилмоқда. Илкмиллиард хам узоқ куттириб қўймайди.

Афзалликлар

Сифат – хамманарсаданустун: «АКФА» махсулотлари жаҳон стандартларига мувофиқ бўлиб, ИСО 9001 Халқаро сифат сертификати билан тасдиқланган. Компанияда махсулотларимиз сифатини кафолатловчи ва корхоналаримиз самарадорлигини ошириб, бошқарув лойиқатини кучайтирадиган менежмент назорат тизими йўлга қўйилган.

Бирдам жамоа: «АКФА»да жамоавий муҳит, бирлик ва ахиллик ниятда кадрланади. Компания ходимларини ҳаммамиз бирга, бир-биримизни

тушуниб, қўллаб, интиладиган ягона мақсад ва ягона ғойа бирлаштиради. Шу билан қаторда компанияда ишлаб чиқариш жараёнлари, лойиха ва бошқарув ҳамда турмушнинг барча соҳаларини такомиллаштиришга йўналтирилган КАИЗЕН тизими йўлга қўйилган.

экология ва хавфсизлик: Биз табиий ресурсларни сақлаган ҳолда атроф-муҳит учун экологик тоза ва хавфсиз маҳсулотлар ишлаб чиқарамиз. экологик мувозанат ва биологик хилма-хилликни сақлаш, миллат саломатлиги ҳамда Ўзбекистон келажаги ҳақида қайғуриш – бизнинг асосий мақсадимиз!

Стратегийа

Компания фаолияти “Сифатли маҳсулот ва ҳар бир мижоз учун индивидуал йондашув – муваффақиятимиз гарови!” – деган асосий стратегик йўналиш орқали белгиланади.

«АКФА» томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг бой ассортименти мижозларимизнинг ҳар қандай истагини қондира олади. Шунингдек, аниқ йўлга қўйилган ишлаб чиқариш жараёни ва янги технологияларнинг қўлланилиши – маҳсулотларимизнинг юқори сифатига доимий ишонч билдириш имкониятини беради.

Бирор соҳада етакчиликка еришиш мушкул, албатта, бироқ эгалланган натижани 10 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида сақлаб туриш ундан-да қийинроқ. Лекин биз бу вазифани аъло даражада бажармоқдамиз. Компания МДХ бозорида ўзининг мустаҳкам ўрнига ега бўлди. Энди биз янги чўққиларни егаллашга тайёرمىз.

Мана, 5 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида компания «АКФА» ҳамда «ЖАКО» савдо белгилари остида ўз маҳсулотларига аксессуарлар ишлаб чиқармоқда. Аксессуарлар ишлаб чиқарувчи заводда олтига – қуйувчи, қайта ишловчи, галваник, рух билан ишлов бериш ва бошқа ихтисослашган сеҳлар мавжуд. Заводнинг умумий ишлаб чиқариш майдони – 10 000 м².

Ишлаб чиқариш жараёнида босқичма-босқич ҳар бир сеҳда доимий равишда маҳсулот сифат назорати ўтказиб борилади. Компания томонидан эшик ва дераза тизимлари учун 1000 турдан ортиқ аксессуарлар таййорланади.

Замонавий эшик ва деразалар учун қўшимчааксессуарларнинг бутун бир тизими яратилган бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзининг белгиланган вазифасини аъло даражада бажаради ва эшик-деразалардан фойдаланиш жараёнини янада қулайроқ этишга ёрдам беради.

МЧЖ **"JAKOINDUSTRIALGROUP"** ишлаб чиқарувчи корхонасининг молиявий ҳолатини илова маълумотлари орқали билиб олишимиз мумкин. Жако Ўзбекистондаги қурилиш молларини ишлаб чиқарувчи етакчи ишлаб чиқарувчи бўлиб уни микро ва макро даражада кўрадиган бўлсак нафақат корхона учун балки миллий иқтисодиёт учун ҳамнақадар фойдали эканлигини билиб олиш қийин эмас. Чунки ишлаб чиқарувчи томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни биз четдан сотиб олмаёпмиз ва миллиардлаб суммадаги миллий валютани четга чиқиб кетишини олдини олапди деб айтсак муболаға бўлмайди.

Корхоналарни молиялаштириш ва кредитлаштириш жараёнида уларнинг аниқ фаолияти натижалари тугрисидаги ахборотлар муҳим аҳамиятга эга. Молиявий ахборотлар корхона актив ва пасивларини тулик ва ҳар томонлама таҳлил қилиш учун зарур. Корхона (Акфа) молиявий ахборотлар негизига қуйидагилар киритилиши шарт:

- молиявий, ҳужалик, тижорат, ишлаб чиқариш ва бошқа турдаги фаолият натижалари;
- амалдаги қонунчилик ва меъёрий асослар;
- стратегик мақсадли йуналишлар ва режаланган курсаткичлар;
- таъминотчи корхонанинг молиявий ҳамда тегишли моллар, харид талаби бозорининг аҳволи тугрисидаги маълумотлар.

Молиявий ахборотлар тарқалишини икки туркумдаги йуналишларга ажратиш мумкин: ички ва ташқи. Ички ахборот - компания, унинг таркибий бўлимлари, филиаллари, ваколатхоналари раҳбарларига маълумотлар беришдан иборат. Ташқи ахборот акциядорларга, давлат молия идораларига солиқ нозирликларига, банк муассасаларига, сугурта компанияларига, давлат

статистика идораларига, инвестиция жамгармаларига, давлат хокимияти ва бошқариш идораларига, таъминотчи корхоналарга маълумот беришдан иборат.

Молиявий хизмат ахборотларидан фойдаланишнинг комплекс характердалиги тадбиркорлик фаолиятини молиялаш ва кредитлашнинг альтернатив манбаларини жалб этиш, молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш имкониятини беради. Корхоналарнинг бухгалтерия хисоботлари молиявий ахборотларнинг асосий манбаи булиб хизмат килади. Бухгалтерия хисоботлари таркибига киради:

- бухгалтерия баланси шакл № 1;
 - фойда зарарлар тугрисидаги хисобот шакл № 2;
 - фойда ва зарарлар тугрисида бухгалтерия балансига илова;
 - капитал харакати тугрисидаги хисобот шакл №3;
 - пул маблағлари тугрисидаги хисобот шакл № 4;
 - бухгалтерия балансига кушимча шакл №5;
- тушунтириш хати;
- хисоботларнинг махсуслаштирилган шакллари;
 - аудиторлик хулосалари.

Энди молиявий ахборотлардан бири булган бухгалтерия баланси билан танишамиз. Бухгалтерия баланси икки қисмдан иборат. Баланснинг чап қисми актив деб аталиб унда хужалик маблағларининг ташкил топиш манбалари ва улардан фойдаланиш акс эттирилади. Баланс активининг 1 бўлими айланувдан ташқари активлар тугрисидаги ахборот, 2-бўлими айланувдаги активлар тугрисидаги ахборотлардан иборат. 3-бўлим балансловчи, у активлар суммасининг қурилган зарарлар хисобига камайтирилади. Баланс пассивининг 4-бўлимида корхонанинг уз маблағларининг манбалари яъни устав капитали, қушилган капитал, тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)дан иборат. 5-6- бўлимларда мажбуриятлар яъни унда узок ҳамда қиска муддатли қарзлар, кредиторлар ва бошқалар қурсатилади. Шу тариқа бухгалтериянинг хисоботи хужжатларидан ҳар хил молиявий ахборотларни олиш мумкин. Молиячи мутахасис фойдаланаётган ахборотларнинг мажмуавий табиати тақрор ишлаб

чиқариш жараёнида иштирок этаётган, шу ҳисобда айланувдан ташқари активлар, айланма маблағлар, сарф харажат ва молиявий натижаларни ҳамда сармоя ва молиявий куйилмаларни шакллаш жараёнидан иборат маблағлар киймат йигиндисини баҳолаш ишларини самарали бошқариш имконини беради. Ушбу ахборотларнинг барчаси иловада келтирилган.

2.2. МЧЖ "JAKOINDUSTRIALGROUP" ишлаб чиқарувчи корхонасининг молиявий самарадорлик ҳолати таҳлили.

Иқтисодиётни модернизациялашнинг ҳозирги тизимида бирлашма ва корхона фаолиятини баҳолашда фойда иқтисодий курсаткичи асосий курсаткич килиб олинган. Аммо бу маҳсулот таннархи курсаткичи аҳамиятини камайтиради дегани эмас. Корхона ишлаб чиқариш молия режасини тузиш маҳсулот таннархи иқтисодий курсаткичига алоҳида аҳамият берилади. Вазирлик ва бошқармаларга уларнинг қармоғидаги корхоналар ва бирлашмалар учун рентабеллик курсаткичи урнига маҳсулот таннархини камайтириш бўйича режа топширигини тасдиқлаш ҳукуқи берилган, бу эса уз навбатида таннарх курсаткичининг муҳимлигини яна бир бор тасдиқлайди. Маҳсулот таннархини камайтиришдек муҳим вазифани ҳал қилишда ишлаб чиқариш ресурсларини тугри сарфлаш, белгиланган сарфлаш нормативларига риоя қилиш, иқтисод қилиш тартибини амалда кенг қўллаш лозим. Шунинг учун ҳозирги шароитда ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишда маҳсулот таннархини тугри калькуляция қилишга катта эътибор берилмоқда.

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш билан боғлиқ ҳақиқий харажатларни уз вақтида, тулиқ ҳисобда акс эттириш;

- махсулот ишлаб чиқариш жарёнида материал, пул ва меҳнат ресурслари устидан назорат олиб боришни таъминлаш.
- ҳажм сифати ва ассортимента бўйича махсулот ишлаб чиқариш режасининг бажарилишини назорат қилиш.
- махсулот айрим турларининг ҳаққий таннархини ҳисоблаш.
- таннарх бўйича режа топширигини бажарилишини назорат қилиш ишлаб чиқаришда фойдаланмаган резервларни аниқлаш, 1 ҳужасизликка банк ҳисобига, нобудгарчиликлар ва бошқа ишлаб
- чиқаришдаги унумсиз харажатларнинг бўлишига қарши кураш олиб бориш.

Ишлаб чиқаришда ҳужалик ҳисоби фаолияти натижаларини аниқлаш .

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва махсулот таннархини калькуляция қилиш бир-бири билан узаро боғланган. Бу боғлиқлик қуйидагиларда ифодаланади:

Махсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларни уз вақтида, тулиқ ҳисобда акс эттириш, ишлаб чиқаришда материаллар ва бошқа товар моддий бойликларнинг сарфланиши устидан назорат олиб бориш ва ҳоказо.

Харажатларни ҳисобга олиш ва маълумотлари асосида калькуляция тузилади ва таннарх аниқланади.

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва таннархни калькуляция қилишда харажатлар ҳисоби ва калькуляция қилишда харажатлар ҳисоби ва калькуляция қилишнинг бир неча усуллари қулланилади, масалан оддий, норматив, бўйртмалар бўлимли усуллар. Юқорида келтирилган ухшашликлар харажатлар ҳисоби ва таннархни калькуляция қилишни бир-бир билан узаро боғланган ёритишни такозо қилади.

Ишлаб чиқариш ҳисоби ва махсулот таннархини тугри калькуляция қилишни ташкил қилмасдан туриб, саъноат корхоналари ишлаб чиқариш ҳужалик фаолиятини муваффақиятли бошқариш мумкин эмас. Ҳар бир корхона

ёки бирлашмада ишлаб чиқариш ҳисоби ва таннархни тугри ташкил қилишнинг имкониятлари қуйидагилардан иборат:

Аввалдан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган технология режасининг мавжуд бўлиши, замонавий ишлаб чиқариш талабларига жавоб бера оладиган ишлаб чиқариш харажатлари меъёрининг мавжуд бўлиши, омбор хужалигининг тугри ташкил этилиши ва ишлаб чиқариш зарур улчов асбоблари ва мосламалар билан таъминланган бўлиши, ишлаб чиқариш харажатларининг аналитик счёти, калькуляция моддалари, комплекс харажат моддалари номенлатурасини ишлаб чиқиш, комплекс харажат моддаларини калькуляция объектлари уртасида тақсимлаш усулини танлаш ва хоказолар.

Корхоналарда ишлаб чиқариш ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш «Харажатлар таркиби тугрисидagi низом»га мувофиқ олиб борилади. Мазкур Низом амалдаги қонун қоидалар ҳисобга олинган ҳолда, хужалик объектларида, яъни узининг фаолятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар ишлаб чиқарган маҳсулот (иш, хизмат) таннархига қўшиладиган харажатлар бир хиллигини таъминлаш ишлаб чиқилган. Низом бугалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш мақсадлари учун харажатларни ҳисоблаш уртасидagi фарқни ҳисобга олган ишлаб чиқилган. Хужалик субъектларида харажатларни ҳисоблаш ва улар фаоляти молия натижаларини аниқлаш, ушбу маълумотлар асосида хужалик субъектининг бозор иқтисоди шароитида рақобатбардошлигини аниқлаш учун зарур. Солиққа тортиладиган фойда бугалтерия фойдасидан фарқ қилади, корхона харажатларининг бир қисми амалдаги солиқ сиёсатида кура солиққа тортиладиган базага қўшилмайди.

Низом харажатларини турқумлаш ва молиявий натижаларнинг таркиб топишининг асосий қоидалари баён этилган.

Маҳсулот (иш хизмат) ишлаб чиқариш таннархи маҳсулот(иш хизмат)ни ишлаб чиқариш ёки қайта ишлаш жараёнида ишлатиладиган табиат ресурслари, қом ашё, материал, ёқилғи; энергия, асосий фондлар, меҳнат

ресурслари ҳамда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бошқа харажатларнинг пулдаги ифодасидир.

Низомга мувофиқ маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига, маҳсулот ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш билан тугридан-тугри боғлиқ бўлган харажатлар қушилади. Уларга қуйидагилар қиради: тугри ва эгри материал харажатлари, тугри ва эгри меҳнат харажатлари, ишлаб чиқариш аҳамиятидаги устама харажатлар қушилган ҳолда бошқаэгри ва тугри харажатлар.

Шундай қилиб, юқорида айтилганлар асосида хулоса қилиш мумкинки, маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини ташкил қиладиган харажатлар иқтисодий мазмунига мувофиқ қуйидаги харажат элементларига бўлинади:

а) ишлаб чиқариш материал харажатлари (қайтариладиган чиқиндилар қиймати чиқариб ташланган ҳолда);

б) ишлаб чиқариш характеридаги меҳнатга ҳақ тулаш харажатлари;

в) ишлаб чиқаришга таалукли ижтимоий сугурта ажратмалари;

г) ишлаб чиқариш аҳамиятидаги асосий фондлар ва номоддий активлар амортизацияси;

д) ишлаб чиқариш аҳамиятидаги бошқа харажатлар;

Тадқиқоенинг мақсади юқоридаги назарий билимлардан фойдаланиб **"JAKO INDUSTRIAL GROUP"** масъулияти чекланган жамияти фаолиятини ўрганиш, унинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш асосида унинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

"JAKO INDUSTRIAL GROUP" корхонаси Тошкент шаҳрида жойлашган бўлиб, унинг асосий мақсади Ўзбекистон бозоридаги товар ва хизматларга бўлган талабларни тўлиқ қондириш учун ишлаб чиқариш, тижорат, воситачилик хизматлар кўрсатиш ва шу йўллар билан даромад олишдан

иборат. Корхонанинг асосий фаолият қурилишмоллариинишлаб чиқариш ва сотиш ҳисобланади.

"JAKO INDUSTRIAL GROUP" корхонасининг маҳсулотларни сотишдан тушган тушуми 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 10 фоизга, 2012 йилда 2011 йилга нисбатан 874 фоизга кўпайган, сотилган маҳсулотларнинг таннархи 773 фоизга кўпайган ва маҳсулотларни сотишдан тушган ялпи фойда эса 1243 фоизга кўпайган (1- жадвал).

МЧЖ "JAKO INDUSTRIAL GROUP" даромад ва харажатлари:

1-жадвал

Кўрсаткичлар номи	2010й		2011й		2012й		Ўсиш суръати %
	Даромад	Харажат	Даромад	Харажат	Даромад	Харажат	
1	2	3	4	5	6	7	8
Маҳсулотларни сотишдан тушган тушум	375504,3	х	413300,37	х	4025233,52	х	974
Сотилган маҳсулотларнинг таннархи		296648,4	х	324375,74	х	2831054,42	873
Маҳсулотларни сотишнинг ялпи фойдаси	78855,89	х	88924,63	х	1194179,1	х	1343

Манба: "JAKO INDUSTRIAL GROUP" маълумотлари.

"JAKO INDUSTRIAL GROUP" корхонасининг 2012 йилда маҳсулотларни сотишдан тушган тушуми 4025233,52 минг сўмни ташкил этиб, ушбу кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 874 фоизга кўпайган. Сотилган маҳсулотларнинг таннархи 2831054,42 минг сўмни ташкил этиб, 2011 йилга нисбатан 773 фоизга кўпайган. 2011 йилда корхонанинг соф фойдаси 88924,63 минг сўмни, 2012 йилда 1194179,1 минг сўмни ташкил этиб 2011 йилга нисбатан 1243 фоизга ортган (2-жадвалга қаранг). Жадвалда биз тахлил қилмоқчи бўлган барча нарса акс этган бўлиб у билан биз Акфа корхонаси молиявий ҳолати бўйича етарлича хулосага эга бўлишимиз мумкин.

**"JAKO INDUSTRIAL GROUP" МЧЖнинг 2010-2012 йиллардаги
асосий иқтисодий кўрсаткичлари(млн. сўм).**

2-жадвал

Кўрсаткичлар номи	2010й		2011й		2012й		Ўсиш суръат и %
	Даромад	Харажат	Даромад	Харажат	Даромад	Харажат	
1	2	3	4	5	7	5	8
Маҳсулотларни сотишдан тушган тушум	375504,3		413300,37		4025233,52		973,9
Маҳсулотларни сотишнинг ялпи фойдаси	78855,89		88924,63		1194179,1		1342,9
Давр харажатлари		37223,07		44965,91		322070,17	716,3
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	41632,82	-	43958,87	-	907372,75	-	2064,1
Молиявий фаолиятнинг даромадлари	612,19		746,57		5940,62		795,7
Молиявий фаолиятнинг харажатлари		25601,3		39903,85		59612,01	149,4
Умум хўжалик фаолиятидан фойдаси	16643,71		4801,6		853701,36		17779,5
Даромад солиғи тўлангунга қадар фойда	10238,4		4801,6		853701,36		17779,5
Хисобот даврining соф фойдаси	10238,4		4166,69		687487,42		16499,6


Манба: "JAKO INDUSTRIAL GROUP" маълумотлари.

**"JAKO INDUSTRIAL GROUP" МЧЖнинг 2010-2012 йилларда асосий
иқтисодий кўрсаткичлари бўлмиш сотишдан тушган тушум,**

маҳсулотлар таннархи, ялпи фойда ва соф фойда ўсиш тенденциясига эга бўлган 2011 йилда маҳсулотлар таннархисотишдан тушган тушумнинг 79 фоизини, 2012 йилда 71 фоизини ташкил этган бўлса, 2011 йилда соф фойда ялпи даромаднинг 5 фоизини ва 2012 йилда 58 фоизини ташкил этди (5-расмга қаранг).

"JAKO INDUSTRIAL GROUP" МЧЖнинг 2010-2012 йиллардаги асосий иқтисодий кўрсаткичлари диаграммаси (млн. сўм):

5-расм



Манба: "JAKO INDUSTRIAL GROUP" маълумотлари.

Маълумки, асосий воситалардан корхонада қанчалик кўп фойдаланилса, шунчалик кўп маҳсулот ишлаб чиқилади, маҳсулот таннархи арзонлашади, меҳнат самарадорлиги, фойда ва рентабеллик юқори бўлади. Шунинг асосида асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлиги даражасидан умуман ишлаб чиқариш самарадорлиги келиб чиқади, натижада ижобий молиявий самарадорликка эришилади.

Корхоналарда асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигига турли хил омиллар таъсир қилиши мумкин. Буларга қуйидагилар киради:

- ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулот ҳажми;
- асосий воситалар ўртача йиллик суммаси;
- ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимлар меҳнатининг самарадорлиги;

- асосий воситалар алоҳида турларидан фойдаланиш самарадорлиги ва бошқа шу кабилар киради.

Шу асосда асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлиги даражасидан умуман ишлаб чиқариш самарадорлиги келиб чиқади. Асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларга қуйидагилар киради: асосий воситаларнинг маҳсулдорлиги, асосий воситалар рентабеллиги, машина ва ускуналар қувватларидан фойдаланиш коэф-фициенти киради.

Асосий воситалар фонд маҳсулдорлиги ($A_{в.м.}$) – таҳлил қилинаётган даврда (одатда, бир йилда) ишлаб чиқарилган ёки сотилган маҳсулотнинг улар ўртача йиллик қийматига нисбати орқали аниқланади.

$$A_{в.м.} = C / A_{вк}$$

бу ерда: C – таҳлил қилинган даврда сотилган маҳсулотлар ҳажми; $A_{вк}$ – асосий воситалар ўртача йиллик қиймати. Сўнгги уч йилда корхонанинг асосий воситалар фонд маҳсулдорлиги қуйидагича бўлган:

Сўнгги уч йилда "**JAKOINDUSTRIALGROUP**" корхонасининг асосий воситаларнинг фонд маҳсулдорлиги ва позициядан позицияга ортганини кўришимиз мумкин (3-жадвал).

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида сотилган маҳсулот ҳажми бевосита фойда ва рентабеллик кўрсаткичларига боғлиқ ҳолда хўжалик фаолиятини тўла ҳажмда акс эттиради. Шу боис асосий воситаларнинг рентабеллиги муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Асосий воситаларнинг рентабеллиги ($R_{ав}$) - асосий воситаларнинг 1 сўмига тўғри келадиган фойда суммасини ифодалаб, у соф фойданинг асосий воситалари ўртача йиллик қийматига нисбати орқали аниқланади.

$$R_{ав} = CФ / A_{вк} * 100\%$$

бу ерда: $CФ$ – соф фойда.

"**JAKOINDUSTRIALGROUP**" корхона асосий воситаларининг рентабеллиги қуйидагича бўлган:

2012 йилда "**JAKOINDUSTRIALGROUP**" корхона асосий воситаларининг рентабеллиги 2010 йилга нисбатан 53,7 фоизга, 2011 йилга нисбатан эса 94,9фоизга ортган.

Асосий воситалар самарадорлигига алоҳида омиллар таъсирини ҳисоблаб чиқамиз. Бу ерда ушбу кўрсаткичларнинг ўзгаришига қуйидаги омиллар таъсир қилади:

1. Соф фойданинг ялпи даромадаги улуши (**$\Phi\partial$**)

$$\Phi\partial = C\Phi / Я\Phi * 100\%$$

бу ерда: **$C\Phi$** – соф фойда, **$Я\Phi$** – ялпи фойда (даромад).

2. Даромадларнинг сотилган маҳсулотлардаги ҳиссаси (**D_m**)

$$D_m = Я\Phi / C * 100\%$$

бу ерда: **$Я\Phi$** – ялпи фойда, **C** – таҳлил қилинган даврда сотилган маҳсулотлар миқдори.

3. Асосий воситаларнинг маҳсулдорлиги (**$Ав.м$**)

$$Ав.м. = C / A_{вк} * 100\%$$

Асосий воситалар кўрсаткичлари:

3-жадва

Кўрсаткичлар номи	2011й	2012й	Фарқи (+;-)
1	2	3	4
Соф фойданинг ялпи даромадаги улуши, %	4,685	57,569	52,884
Даромадларнинг сотилган маҳсулотдаги ҳиссаси, коэффициент	21,51	29,66	8,15
Асосий воситаларнинг маҳсулдорлиги	55,6	55,93	0,33
Асосий воситаларнинг рентабеллиги	0,5605	95,536	94,976

Манба: "JAKO INDUSTRIAL GROUP" маълумотлари.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак юқоридаги корхоганинг ўсиш суръатлари жадаллик бтлан бомоқда бунга сабаб унинг юқори технологиялардан фойдаланиши деб биламиз ва кўрсата оламиз. "JAKO

INDUSTRIAL GROUP" иқтисодиётимиздаги улкан ишдаб чиқариш корхонаси эканлигини жавал ва дивграма маълумотларидан ва илова маълумотларидан билиб олишимиз мумкин. Зеро халқимизда бир гап бор “Иш курулинг соз бўлса, машақатинг оз бўлар” бу гап қанчалик тўғри эканлигини "JAKO INDUSTRIAL GROUP" корхонаси мисолида кўриб турибмиз.

Умуман олганда, **"JAKO INDUSTRIAL GROUP"** корхона фаолияти доирасида

- бирмарталикшпритслар;
- дераза, ешик ва мебел фурнитуралари учун аксессуарлар;
- шуруп, саморез, йевровинтлар;
- стикерлар;
- метал черепитса, профнастиллар;
- полиетилен қоплам ва витраж тизимлар йиғмалари;
- ПВХ-гранула;
- кукунли бўйоқлар;
- энергийани тежовчи люминесент лампа, розетка ва виклучателлар;
- металл кучайтиргич ва картон қутилар;

уларни истеъмолчиларга етказиб бериш бўйича амалга ошираётган ишлари ибратга сазовордир. Бироқ, корхона рақобатбардошлигини янада ошириш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб биламиз:

- маҳсулотлар таннархини камайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;
- инновацион техника ва технологиялардан самарали фойдаланиш;
- фаол маркетингга асосланган сотув стратегиясидан унумли фойдаланиш;
- замонавий логистик тизим элементларидан самарали фойдаланиш;

- Аудиторлик хизматларидан унимли фойдаланиш;
- рақобатчилар ҳақида тўлиқ маълумотлар базасини шакллантириш ва уни таҳлил қилиш асосида маҳсулотлар ассортиментида ўзгартиришлар киритиш

2.3. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш корхоналари ва Давлат бюджети ўртасидаги боғлиқлик ("JAKOINDUSTRIALGROUP" мисолида).

Жамият иқтисодий ва ижтимоий тузилмасининг шаклланиши ва ривожланишида тарихий тараққиётнинг ҳар бир босқичида муайян сиёсат доирасида амалга ошириладиган давлат томонидан тартиблаш муҳим роль ўйнайди. Давлатнинг ўз вазифа ва функцияларини бажаришига, ўз иқтисодий ва ижтимоий сиёсатини амалга оширишига имкон берадиган қурол, дастаклардан бири – давлат бюджетидир.

давлат бюджети – давлат пул маблағларининг (шу жумладан давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади;

2) бюджет иқтисодий категория сифатида ўзининг тегишли моддий ифодасига эга бўлади. Бюджет муносабатлари давлатнинг марказлаштирилган пул маблағлари жамғармасида моддийлашади. Бу жамғарма тақсим қилиниши сабабли унинг шаклланиши ва сарфланиши қиймат ҳаракати орқали ифода этилади. Бу жараён давлат томонидан йиғиладиган ва сарфланадиган пул ресурслари, оқимлари кўринишига эга бўлади;

3) ўз иқтисодий моҳиятига кўра давлат бюджети – бу иқтисодий, ижтимоий-маданий тадбирлар, муҳофаа ва давлат бошқаруви эҳтиёжларини молиялашга мўлжалланган бюджет жамғармасини шакллантириш ҳамда ундан фойдаланиш масалаларида миллий даромадни қисман миллий бойликни ҳам

қайта тақсимлаш борасида давлат билан юридик ва жисмоний шахслар ўртасида юзага келадиган пул муносабатларидир;

4) давлат бюджети – молиявий режалар тизимида етакчи ўринда туради ва давлатнинг асосий молия режаси ҳисобланади;

5) давлат бюджети – молия тизимининг барча асосий молия институтлари – даромадлар, харажатлар, давлат қарзлари бирлашадиган ва ўзаро боғланадиган марказий бугини ҳисобланади;

6) давлат бюджети – давлатнинг солиқлар ёрдамида жамланадиган энг йирик марказлаштирилган пул жамғармасидир. Давлат бюджети давлат томонидан ўз функциялари ва вазифаларини амалга ошириш йўлида сарфланади. Тасдиқланган бюджет қонун кучига эга.

Бюджет даромадлари уларни тўловчилар, солиққа тортиш объектлари, ундириш усуллари, тўлов муддатлари ва бошқалар бўйича муҳим фарқларга эга. Лекин, шу билан бирга, улар ягоналиги билан ажралиб туради, яъни улар бир мақсадга – турли даражалардаги бюджетларнинг даромад қисмини шакллантиришга хизмат қилади. Бюджет даромадлари мамлакат бюджет жамғармасини шакллантириш жараёнида давлат билан корхона (бирлашма)лар, ташкилотлар ва фуқаролар ўртасида пайдо бўладиган иқтисодий муносабатларни ифода этади. Бу иқтисодий муносабатлар корхоналар, ташкилотлар ва аҳоли томонидан бюджетга тўланадиган турли тўловлар кўринишида юз беради, уларнинг моддий-ашёвий ифодаси бюджет жамғармасига йўналтириладиган пул маблағлари ҳисобланади.

Бюджет даромадлари, бир томондан, ижтимоий маҳсулот қийматини такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги турли иштирокчилар ўртасида тақсимлаш натижалари бўлса, иккинчи томондан, давлат қўлида тўпланган қийматни яна қайта тақсимлаш объекти ҳисобланади, чунки бу қиймат ҳудудий, тармоқ ва мақсадли йўналишидаги бюджет жамғармаларини шакллантиришда фойдаланилади. Хўжалик юритишнинг бозор асосларига ўтиш ижтимоий ишлаб чиқаришга раҳбарликда иқтисодий усуллардан фойдаланишни талаб қилди, корхоналар ва ишлаб чиқариш корхоналари соф даромадининг бир

қисмини илгари қўлланиб келган бюджетга олиш шакллари самарасизлиги даромад тушумлари тизимини тубдан ўзгартиришни тақозо қилди. Натижада даромадлар тушуми солиқ тўловлари негизига кўчирилди; корхоналарнинг бюджет билан ўзаро муносабатлари қонун билан тартибга солинадиган ҳуқуқий асосга қўйилди.

Бюджет даромадларини вужудга келтиришнинг шакллари ва усуллари кўпдан-кўп объектив ва субъектив омиллар таъсирида ўзгариб туради. Уларнинг орасида ишлаб чиқарувчи кучлар, ишлаб чиқариш муносабатлари молия ва корхоналар молияси фанининг ривожланиш даражаси таъсири биринчи ўринда туради. Даромадларга, шунингдек юзага келган конкрет иқтисодий ва ижтимоий вазият, муайян даврдаги иқтисодий сиёсат, жамият тараққиётида танланган устуворликлар, белгиланган вазифаларга эришиш стратегияси ва бошқалар ҳам катта таъсир кўрсатади.

Аммо ҳар қандай ҳолларда ҳам сафарбар қилинган даромадларнинг асосий мақсади – барча бошқариш даражаларидаги ҳокимият органларига ўз вазифаларини амалга оширишга имконият берадиган, умумдават эҳтиёжларини қондирадиган барқарор молия базасини яратишдан иборат. Даромаднинг вазифаси бюджет харажатларини қоплашдан иборат. Аммобунда хўжалик юритувчи субъектлар билан ўзаро молиявий муносабатларнинг шундай шакллари топиш зарурки, даромадларни бюджетга олиш усуллари меҳнат унумдорлигини кўтаришга, жами ресурслардан оқилона фойдаланишга тушумларни кўпайтиришга хизмат қилсин.

Даромадларнинг хазинадаги ўрни билан бирга даромадлар ўсишининг моддий асосларини кенгайтиришни таъминлайдиган рағбатлантирувчилик функцияси, бюджетнинг даромад қисмини мустаҳкамлаши худди шу ўринда яққол кўзга ташланади.

Турли мамлакатларда даромадларнинг шаклланишини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, конкрет тўлов турлари хилма-хил бўлишига қарамай, ҳамиша бюджетга пул тушумларининг асосан учта манбаи мавжуд бўлган ва ҳозир ҳам шундай. Улар:

- а) давлат мулки, умумдавлат ресурслари. Улардан фойдаланганлик учун ҳақ олинади, муайян бадаллар тўланади;
- б) жисмоний ва юридик шахслардан турли солиқлар ва йиғимлар кўринишида ундириладиган мажбурий тўловлар;
- с) давлат заёмларини қимматли қоғозлар ва лотереяларни сотишдан давлат банкидаги қўйилмалар бўйича олинган даромадлар шаклларида жалб қилинган ресурслар.

Давлат бюджети жами даромадларининг умумий моддий асосини миллий даромаднинг қайта тақсимооти мамлакатда янгидан яратилган қиймат катта қисмининг давлат қўлида тўпланиши ташкил қилади. Бундай қайта тақсимлашнинг энг муҳим таркибий қисмлари солиқлар, давлат мулки, давлат қарзларидан иборат.

Давлат харажатлари — давлат пул маблағлари жамғармасининг тақсимланиши ва ундан тармоқ, мақсадли ва ҳудудий даражаларда фойдаланиши билан боғлиқ ҳолда пайдо бўладиган иқтисодий муносабатлардир. Бюджет харажатларида ягона тақсимоот жараёнининг икки томони: бюджет жамғармасининг таркибий қисмларга бўлиниши ва бюджетдан маблағлар оладиган моддий ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларидаги корхоналар, ташкилотлар ҳамда муассасаларда мақсадли сарф қилинадиган пул жамғармаларини шакллантириш ўз аксини топади. Бюджет харажатлари категорияси ҳар бири миқдор ва сифат жиҳатидан тавсифланадиган харажатларнинг аниқ турлари орқали юзага чиқади. Сифат тавсифи ҳар бир бюджет харажати турининг иқтисодий мазмуни ва ижтимоий вазифасини миқдор тавсифи — уларнинг қийматини белгилашга имконият яратади. Давлатнинг жамият иқтисодий ҳаётидаги ижтимоий ўзгартиришларни амалга оширишдаги фаол ўрни бюджет харажатлари турларининг хилма-хиллигини келтириб чиқаради. Бу хилма-хиллик бир қатор омиллар: табиат ва давлатнинг функциялари, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий рив-ожланганлик даражаси, бюджетнинг халқ ҳўжалиги билан алоқалари қай даражада тармоқланганлиги, бюджет маблағларини бериш шакллари ва бошқаларнинг таъсири билан

боғлиқ. Юқорида санаб ўтилган омилларнинг давлат тараққиётининг ҳар бир босқичида биргаликда қўшилиши иқтисодиёт эҳтиёжлари, уни бошқариш типи ва даражасига мувофиқ келадиган харажатлар тизимини пайдо этади.

Бюджет ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини янада чуқурроқ таҳлил қилиш мақсадларида уларни сарфлаш соҳалари бўйича – моддий ва ноишлаб чиқариш турларига бўладилар. Бюджетнинг ноишлаб чиқариш соҳани сақлаш ва ривожлантириш бўйича харажатлари, биринчи навбатда, уларнинг асосий мақсад – вазифасига кўра фарқланади, яъни ижтимоий-маданий тадбирларга ва умумдавлат харажатларига бўлинади. Бу гуруҳларнинг ҳар бири яна жуда кўп харажатлар турларини ўз ичига олади, бу харажатлар ўз навбатида, тармоқ, идора белгилари бўйича, сўнгра янада очиқроқ қилиб ўз мазмуни ва айрим муассасалар, ташкилотлар фаолияти турлари бўйича бирлаштирилади.

Бюджет тузилиши мамлакатнинг давлат бюджети ва бюджет тизимини, унинг айрим бўғинлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни ташкил қилишни, бюджет тизимига кирадиган бюджетлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини, бюджетлар таркиби ва тузилмасини, бюджет маблағларини шакллантириш ва сарфлашдаги тартиб-қоидалар ва бошқаларни белгилаб беради.

Давлат бюджетини ўрганиш жараёнида нафақат давлат бюджети, молия, корхоналар молияси ўзаро боғлиқлигини назарий ва амалий ифодасини ушбу мавзунини очиқтари орали кўрдик.

Давлат бюджетини кўриб чиқадиган бўлсак унинг вазифа ва даромадлари ва харажатлари манбалари ишлаб чиқариш билан узвий боғлиқлигини кўришимиз қийин эмас.

Аввало биз бюджети даромадлар манбасининг 90% дан кўп қисмин солиқлар ташкил қилганлиги учун корхона ва ташкилотлар билан давлат бюджети ўртасидаги боғлиқликни яққол кўришимиз мумкин экан.

МЧЖ **"JAKO INDUSTRIAL GROUP"** корхонаси давлат бюджети олдида йирик солиқ тўловчи сифатида гавдаланади.

Ўзбекистон Республикасида солиқларни 10 та тури бўлиб бундай йирик корхоналар деярли барча солиқ турларини давлат бюджетига тўлаб берадилар.

Биргина 2012 йилда асосий фаолиятнинг даромад солиғи 49298.03 млн сўм, фойда ва бошқа солиқлар 116915.91млн сўм жами 166213.94 млн сўм давлат бюджетига тўлаб берганини илова маълумотлари орқали билиб олишимиз мумкин.

Бундай йирик ишлаб чиқаришларнинг ташкил этиш иқтисодиётга кerkлича фойда келтириб аввало давлат олдидаги ишсизликни пасайтиришга ёрдам беради, кўплаб ишсизларни иш билан тaминлаш билан бирга ўзларидаги замонавий техникаларни ишлата олишлари учун уларни қайта ўқитиб ўргатадилар. Бу билан меҳнат самарадорликни ошириб жамиятага турли хилдаги ижобий ўзаришларни киритадилар. Бундан ташқари бундай йирик корхоналар инфра струтурани ривожланишига ҳам сабаб бўлиб давлат бюджети функцияларин оз болсада камайтирадилар. Корхона яқнида жойлаган йўлларни тамирлайдилар, турли хилдаги манзарали ўсимликларни ўстирадилар. Йирик ишлаб чиқарувчиларнинг ўзларининг мактаблари, боғчалари спорт ўйингохлари базиларида хусусий шифохоналари бўлиб улар ходимлари учун хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак юқоридаги корхоганинг ўсиш суръатлари жадаллик билан ўсиб бoмoқда бунга сабаб унинг юқори технологиялардан фойдаланиши деб биламиз ва кўрсата оламиз. "JAKO INDUSTRIAL GROUP" иқтисодиётимиздаги улкан ишдаб чиқариш корхонаси эканлигини тaвал ва дивграма маълумотларидан ва илова маълумотларидан билиб олишимиз мумкин. Зерo халқимизда бир гап бор “Иш курулинг соз бўлса, машақатинг оз бўлар” бу гап қанчалик тўғри экнлигини "JAKO INDUSTRIAL GROUP" корхонаси мисолида кўриб турибмиз.

Умуман олганда, **"JAKO INDUSTRIAL GROUP"** корхона фаолияти доирасида махсулотлари жаҳон стандартларига мувофиқ бўлиб, ISO 9001 Халқаро сифат сертификати билан тасдиқланган.

Бирок, корхона рақобатбардошлигини янада ошириш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб биламиз:

- махсулотлар таннархини камайитириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

- инновацион техника ва технологиялардан самарали фойдаланиш;
- фаол маркетингга асосланган сотув стратегиясидан унумли фойдаланиш;
- замонавий логистик тизим элементларидан самарали фойдаланиш;
- Аудиторлик хизматларидан унумли фойдаланиш;
- рақобатчилар ҳақида тўлиқ маълумотлар базасини шакллантириш ва уни таҳлил қилиш асосида маҳсулотлар ассортиментида ўзгартиришлар киритиш.

"JAKO INDUSTRIAL GROUP" давлат бюджети билан боғлиқ томонлари кўп бўлиб у энг аввало йирик солиқ тўловчи сифатида гавдаланади.

III.Боб. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш корхоналари молиясини самарали ташкил этиш масалаларининг асосий йўналишлари.

3.1.Ишлаб чиқариш корхоналари молиясини самарадорлигини ошириш муаммолари ва уни ҳал этиш йўллари.

Бугунги кунда ишлаб чиқариш корхоналари молиясини самарали ташкил этишда нафақат ишлаб чиқарувчи балки давлатнинг ҳам ўрни катта бўлиб улар бир бири билан узвий боғлиқдир.

Ишлаб чиқариш корхоналарида молиявий самардорликка эришиш учун нафақат молиявий манбалар ёки модернизациялаш орқали эришиб болмайди балки корхоналарда, маркетинг- менижмент, инвестицион лойиҳаларни тўғри йўналтириш ва аудиторлик хизмаларидан ўринли ва тўғри фойдаланиш, корхона ишлаб чиқарувини ва шу билан бирга молиявий салоҳиятини яхшилашга сабаб болади деб биламиз шулар ушбу боб режамизни очиб беради.

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида республика ҳукумати томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ишлаб чиқаришмухити анча яхшиланди. Буни мамлакатимиз тадбиркорлари ҳам, хорижий экспертлар ҳам эътироф этмоқда. Тадбиркорликнинг таркиб топиши

боғлиқ. Айнан, давлат томонидан яратилган шарт-шароитлар ишлаб чиқариш ривожини ҳимоя қилади, қўллаб-қувватлайди ва рағбатлантиради.

Қулай ишлаб чиқариш муҳити аҳоли иқтисодий фаоллигининг бош манбаи ҳам ҳисобланади. Бунда аҳоли бандлиги ва даромади ошиши учун шароит яратилади, ижтимоий иқлим аҳоли турли қатламлари ўртасидаги зиддиятларнинг юмшашига, ҳамкорликнинг таркиб топишига ҳисса қўшади. Бозор муносабатларига мослашувнинг тезлашувига олиб келади, мулкдорлар синфини шакллантиради. Ҳар бир фуқаро, нафақат ўз ишчи кучини, балки моддий, молиявий ва интеллектуал мулкни ҳам иқтисодий муносабатлар жараёнига жалб этади. Ишлаб чиқарувчи бундай муҳитда иқтисодий вазиятнинг қалтис тебранишларига ҳам мос бўлган чораларни татбиқ этади, ўз фаолиятини асоратсиз ўзгартиради. Айниқса, бундай шароитда мамлакат, минтақа ёхуд бирор ҳудуд учун фожиаи иқтисодий оқибатлар рўй бермайди. Шунинг учун ҳам Ислом Каримов таъкидлаганидек: “тадбиркорлар фаолиятига ноҳолис, тирноқ остидан кир кидириш кайфияти билан қарашдан бутунлай воз кечиш, аксинча, уларнинг манфаатлари ва қонуний ҳуқуқлари ҳимоясини тўла таъминлаш фурсати етди. Мамлакатимиз келажагини белгилаб берадиган бу тоифа вакилларига шундай ҳуқуқий замин, имтиёз ва кафолатлар тизимини яратиш керакки, улар ўзи, ўз оиласи, бутун мамлакат иқтисодиётининг равнақи йўлида эмин-эркин ва аниқ мақсад билан меҳнат қила олсинлар”².

Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тадбиркорлик фаолияти, хусусан, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва уларни қўллаб-қувватлаш иқтисодий ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Чунки, бу соҳа сўнгги йилларда мамлакатда қатор ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари билан, жумладан, иқтисодиётда салмоқли ўрин эгаллаши, соғлом рақобат муҳитини вужудга келтириши, йирик корхоналар фаолиятининг ҳаракатчанлигини ошириши, бозордаги талаб ва таклифга

² Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. / Олий мажлис қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги маъруза. 2005 йил 30 январь.

самарали таъсир кўрсатиши, аҳоли ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларини кондириши билан катта аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган хусусиятларига кўра Ишлаб чиқарувчи субъектлари бошқа корхоналарга қараганда бозор талабларига қисқа вақт ичида мослашади деб айтиш қийин. Ишлаб чиқарувчи ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини яхшилаш орқали бу жараёнларни ривожлантириш ва уларнинг бозор муносабатларига мослашганлик даражаси оширилади. Бунинг энг муҳим томони шундаки, аҳолини иш билан банд этишга эришилади ва шу билан бирга молиявий самарадорликка эришади. Кишиларда мулкчилик тушунчасининг ўзгаришига, шунингдек ишлаб чиқаришга мўлжалланган мулк эгаси бўлиш имконини беради, ижтимоий барқарорликдан манфаатдор ижтимоий қатламлар шаклланиши учун асос яратади, аҳолининг иш билан бандлиги ва даромадини кўпайтиришга шароит яратибгина қолмай, балки турли қатламлар ўртасида кескин тафовутлар келиб чиқишининг олдини ҳам олади.

Модернизациялашни ривожлантирилиши, кўп укладли аралаш иқтисодиётнинг шаклланишига олиб келади, бошқа томондан эса, ўрта мулкдорлар қатламини юзага келишига асос бўлади. Мамлакат иқтисодиётида Ишлаб чиқаришнинг ривожлантирилиши қуйидагиларни амалга оширишга имкон яратади:

- миллий инвестиция муҳити вужудга келишида бош омил ҳисобланади;

- ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида ўзгаришларга олиб келади, тез мослашувчан саноат ишлаб чиқариши учун қулай корхоналарни вужудга келтиради;

- аҳоли иш билан бандлиги даражасини оширади, қўшимча иш ўринларини барпо этади;

- эркин рақобат муносабатларини йўлга қўяди;

- турли ишлаб чиқариш соҳаларини вужудга келтиришда муҳим ўрин тутди.

Бизнинг фикримизча, ана шу мақсадга эришиш учун:

- қонунчиликда ишлаб чиқариш ва хусусий тадбиркорликка кўзда тутилган барча рағбатлантириш ва имтиёзларнинг амалга оширилишини таъминлаш уларни ривожлантириш йулидаги барча тўсиқларига барҳам берилиши зарур;

- ишлаб чиқаришнинг молиявий манбаларини излаб топиш;

- ишлаб чиқариш тизими, экспорт салоҳиятини ошириш қобилиятига эга бўлган тармоқ сифатида иқтисодиётда етакчи ўрин тутишга эришиш лозим;

- ишлаб чиқаришни сифатли ҳамда замонавий техникавий негизига эришиш керак. Уларни махсус марказлар, лизинг компаниялар тармоғини ҳар томонлама сервис хизмати йўли билан ривожлантириш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур соҳа бозор иқтисодиёти шароитида зарур тезкорликни таъминлайди, ишлаб чиқаришнинг ихтисослашишига ва тармоқлашув жараёнининг асосини яратади. Буларсиз юксак самарадорликка эришиб бўлмайди. Ишлабчиқариш соҳасида эндигина ўз фаолиятини бошлаган кичик бизнес субъектларининг бу қоидаларига эътибор берилиши маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларини ошиши ҳамда ортиқча харажатларнинг камайишига олиб келади.

Ўзбекистонда экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайиши кўп жиҳатдан хомашё етиштириш ва уни қайта ишлаш фаолияти, яъни ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, уларнинг сифати, турлари ва жаҳон бозори конъюнктураси ўзгаришига бевосита боғлиқ. Айни пайтда ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг муваффақиятли ривожланиши ташқи иқтисодий фаолиятнинг қай даражада йўлга қўйилганлиги билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан, ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг рақобатбардошлигига баҳо бериб ўтиш, уларнинг экспорт салоҳиятини белгилаш ва стратегик йўналишларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг молиявий самарадорлигини оширишида турли хилдаги омилларнинг таъсири катта бўлиб улар қуйдагилар:

- қулай табиий-иқлим шароитлари;
- ишлаб чиқариш ресурслари бойлиги
- малакаси ва интизоми нисбатан юқори бўлгани ҳолда ишчи кучининг арзонлиги;

- илмий салоҳият ва амалий тадқиқотлар даражасининг юқорилиги;
- нисбатан инфратузилманинг ривожланганлиги (транспорт коммуникацияси, электрлаштириш).

Фикримизча, Ўзбекистонда ишлаб чиқарувчи корхоналар рақобатбардошлигини белгиловчи асосий омиллар қуйидагилардан иборат:

- барқарор хомашё таъминоти ва ишлаб чиқариш қуввати оқилона фойдаланиш;

- асосий воситалар ҳолати ва илғор технологиялардан фойдаланиш даражаси(модернизациялаш);

- корхонанинг молиявий барқарорлиги ва ишлаб чиқариш харажатларини тартибга солиш;

- корхонанинг бозордаги салмоғи ва сотиш самарадорлиги;

- маҳсулотнинг юқори сифати ва ассортимент кенглиги, упаковки ва бренд маҳсулот ишлаб чиқариш;

- маҳсулотни реклама қилиш даражаси;

- корхона раҳбарининг ташкилотчилик ва тадбиркорлик салоҳияти;

- ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва меҳнатга ҳақ тўлаш ва бошқалар.

Шуни таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқарувчи корхона рақобатбардошлигини баҳолаш ушбу корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлигига асосланади. Яъни корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ички ва ташқи бозорлардаги юқори рақобатбардошлиги бу корхонанинг юқори рақобатбардошлигини англатади ва аксинча агар маҳсулот бозордаги рақобатга бардош бера олмаса, унда корхона рақобатбардошлиги ҳам паст бўладиоқибатда ушбу корхонада молиявий самарадорликка эришиб бўлмай қолиш эҳтимоли бор.

Шу нуқтаи назардан ҳам корхона рақобатбардошлигини баҳолашда биринчи навбатда маҳсулот рақобатбардошлигини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Фикримизча, корхона ишлаб чиқарган товар рақобатбардошлигини баҳолашни шу товар бозори конъюнктурасини ўрганишдан бошлаб, маҳсулот ишлаб чиқарувчи рақобатчилар ва уларнинг брэнд маҳсулоти таъсири тўғрисида маълумотлар йиғиш ва таҳлил қилиш, шу товарни сотиб олувчилар истеъмол ҳажми ва уларнинг даромадларини ўрганиш, ишлаб чиқарувчи корхоналар, маҳсулот ва истеъмолчилар бўйича бозорни сегментлаш орқали товарни нарх, сифат ва брэнд маҳсулот рақобатбардошлиги бўйича ҳисоб-китоб қилиш мақсадга мувофиқ. Бу иш билан маркетинг ва менижмент шуғилланади.

Фикримизча, ишлаб чиқарувчи корхоналари учун ўзаро ҳамкорлик ва ташқи бозорга чиқишда маркетингнинг энг муҳим воситаларини қуйидагича: товар сиёсати бўйича – ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг сифати, ассортименти, ўраш ва қадоқлаш; нарх-наво сиёсати бўйича – чегирмалар ва устама ҳақлари тизими, нархлар дифференциацияси; тақсимлаш сиёсати бўйича – маркетинг, логистика, тақсимлаш тармоқларини танлаш, товар сотилишини рағбатлантириш; коммуникация сиёсати бўйича – бизнес-коммуникацияларни режалаштириш ва ташкил қилиш, реклама, сотувларни фаоллаштирган ҳолда тавсифлаш мақсадга мувофиқ.

Ишлаб чиқаришга нисбатан рақобат сиёсатини амалга оширишда, биринчи навбатда, унинг функционал йўналиши, ишончлилиги, кафолатганганлиги, сақланиш муддати, таъми, фойдаланиш учун қулайлиги, ташқи кўринишининг эстетиклиги ва бошқа хусусиятлари, яъни маҳсулотни истеъмолчининг умумий эҳтиёжларини рақобатчи товарга нисбатан яхшироқ қондириш қобилияти эътиборга олинади. Маҳсулот ушбу хусусиятларининг йиғиндисини ўз ичига оладиган бундай истеъмол қийматини барпо этиш бозорда фаолият юритишнинг энг муҳим шарти ҳисобланади.

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқарувчи рақобатбардош маҳсулотни барпо этган ҳолда турли самарали стратегияларни

қўллаши лозим. Жумладан:

- корхона маҳсулотларининг харидорлар кўзи ўнгида рақобатчилар маҳсулотларидан фарқ қилишига эришиш;
- ишлаб чиқаришга мўлжалланган маҳсулотлардан барча харидорлар учун энг жозибали ҳисобланган бирини танлаш ва шу асосда бозорга кириб бориш;
- ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг янгича қўлланилишини қидириб топиш;
- иқтисодий жиҳатдан самарасиз бўлган маҳсулотни корхонанинг сотиш дастуридан ўз вақтида чиқариб ташлаш;
- янги бозорларга ҳам эски, ҳам янги маҳсулотлар билан чиқиш йўлини топиш;
- харидорларнинг янги диди ва эҳтиёжларига мувофиқ ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар турини яратиш;
- сотиладиган товарларга сервис хизматини кўрсатиш тизими ва умуман сотишни рағбатлантириш тизимини мунтазам ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш.

Шу нуктаи назардан, ишлаб чиқариладиган маҳсулот ассортиментини доимий янгилаш, маҳсулотларнинг янги намуналарини ишлаб чиқиш ва тезда ўзлаштирган ҳолда меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш жараёнининг мослашувчанлиги, самарадорлигини ошириш ва барча турдаги харажатларни пасайтириш корхонанинг стратегик мақсади ҳисобланиши лозим.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, рақобат муҳити кучайган шароитда айнан товар сотиш жараёни, унинг шакллари ва технологияларини танлаш кўп жиҳатдан товар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг самарадорлиги ва рақобатбардошлигини белгилаб беради.

Корхоналарнинг жаҳон бозоридаги рақобат мавқеини мустаҳкамлаш вазифаларини ҳал этиш учун турли стратегиялар, хусусан, Ансоффнинг «маҳсулот-бозор» матрицаси стратегиясини амалга ошириш мумкин. Улар

бозорда корхоналар маҳсулотининг рақобатбардошлигини ошириш учун тавсия этилади ва куйидагиларни назарда тутлади: мавжуд бозорнинг кенгайтирилиши, бозорнинг ривожланиши, маҳсулот бўйича инновация ёки ишлаб чиқаришнинг диверсификация қилиниши. Уларнинг амалга киритилиши сотиш ҳажмининг ошиши, маҳсулотнинг янги бозорларда сотилиши, маҳсулот вазифаларининг кенгайтилишини таъминлайди.

Шуни инобатга олиш керакки, талабнинг мавсумий ўзгариб туриши бир маҳсулотни ҳар хил давлатларнинг турли нуқталарида муваффақиятли сотилишига хизмат қилиши мумкин. Янги бозорларда сотувлар ҳажмининг ошиши эса, биринчи галда арзон ишчи кучи, солиқлар ва божхона тўловларининг анча паст даражаси ҳамда янги сотиш бозорларидаги бир қатор бошқа омиллар ҳисобидан маҳсулот бирлигига ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш имконини беради. Шу муносабат билан товарнинг рақобатбардошлигини янада ривожлантириш учун, агар ички бозорда унинг рақобатбардошлиги кескин пасайган бўлса, у билан янги сотиш бозорига чиқишга уриниш жуда муҳим. Ишлаб чиқарилган товарларни рақобатбардош бўлиши ва янгидан янги бозорлари кашф этиши учун корхонадан юқор даражали технологиялар ва маркетинг-менажмент соҳасини ҳам ривожлантиришни талаб қилади, бунинг натижасида юқори самарадорликка эришилади.

Бутун дунё миқёсида ҳар қандай мамлакат борки тараққиёт ва юксалиш сари интилади. Давлатнинг ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий соҳалар сари ривож топиб бориши, албатта, мамлакат аҳолисининг яшаш тарзига кўп жиҳатлардан боғлиқ бўлган омиллардандир.

Республикамизда модернизациялаш давом этар экан, охириги вақтда, айниқса сифат менежментига бўлган талаб кундан-кунга ошиб бормоқда. Сифат менежментига бўлган талабни иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш тармоғида, айниқса кузатиш мумкин. Сифат менежментини ошириш орқали ҳам молиявий самарадорликка эришиш мумкин бўлиб у турли хилдаги молиявий қулайликларни вужудга келтиради. Сифат менежменти ҳам

модернизациялаш шароитида молиявий муаммоларни бартараф этишга ёрдам беради.

Сифат менежменти сифатга олиб келувчи бошқариш ва раҳбарликнинг мувофиқ фаолияти. Сифат менежментига сифатни режалаштириш, сифатни бошқариш, сифатни таъминлаш, сифатни яхшилаш каби тушунчаларлар киради. Сифатни режалаштириш сифатга қўйиладиган мақсад ва талабларни аниқлаш ҳамда сифат тизими элементларига қўллаш фаолияти ҳисобланади. Бу жараён сифатни идентификациялаш, таснифлаш ва баҳолашни ўз ичига олиб, мақсадларни ўрнатиш ва жараёнлар ҳамда маҳсулотлар сифати учун талабларни нормаллаштириш, сифат дастурини тайёрлаш, сифатни яхшилаш қоидаларини ишлаб чиқиш, сифат тизимини амалиётга қўллашга тайёрлаш, шунингдек уларни қўллаш календар режаларини тузиш киради.

Сифатни бошқариш оператив характерга эга бўлган усуллар ва фаолият турларини ўз ичига олиб, сифатга қўйилган талаблар бажарилишини назорат қилишда ишлатилади. Сифатни бошқариш процедуралари таркибига сифатни назорат қилиш, таҳрирловчи таъсирлар чораларини ишлаб чиқиш ва қўллаш киради. Бу таркибий қисмларга қўйилган асосий талаб – хизматлар ва маҳсулотларга қўйилган талаблардан ҳар бир четланишни йўқотиш, маҳсулотни кейинчалик ишлатиш бўйича қарорларни аниқлаш, ўз вақтида ишлаб чиқилган ва қўлланилган тузатиш чоралари натижасида шундай четланиш ёки камчиликлар қайта пайдо бўлишига йўл қўймаслик. Сифатни таъминлаш – сифат тизими доирасидаги барча режалаштирилган ва тизимли амалга оширилаётган фаолият турларини ўз ичига олади. Буларга объект (маҳсулот, жараён ёки хизмат) истеъмолчи талабини қондиришига етарлича ишончни тасдиқлаш ва ҳосил қилиш заруратидан келиб чиқадиган фаолият турлари киради. Сифатни яхшилаш самарадорлик ва натижавийликни ошириш мақсадида ташкилотларда амалга оширилаётган тадбирларни ва ташкилот ҳамда истеъмолчи фойдаси учун қилинаётган тадбирларни ўз ичига олади.

Раҳбариятнинг ҳамда ташкилотнинг ижро этувчи персоналларининг доимий мақсади сифатни узлуксиз яхшилашга қаратилган бўлиши лозим. Шунда

истеъмолчига, ташкилотга ва унинг ходимларига ҳамда жамиятга фойдали бўлади.

Э. Деминг ва Д. Джуран сифатни бошқариш тўғрисида қуйидаги фикрларни билдиришган: «... одамлар жамоасида шундай ишни ташкил этиш керакки, ҳар бир ходим ўз меҳнатидан қониқиш ҳосил қилсин» деган ғояга асосланган дастур яратишган. Бунда барча даражадаги маҳсулот сифати ва меҳнат сифати сифатли бошқарув асосларига боғлиқ.

Ҳар бир компания ноу-хау базасида ўзи бошқалардан яхшироқ қила оладиган нарсалар билан шуғулланмоғи зарур. Қолган ишлаб чиқариш учун зарур бўлган бошқа деталларни бошқаларга топшириши керак. Ишлаб чиқарувчи ташкилот эса бозор талаблари асосида товар ишлаб чиқаради.

Демак, республикамиз ишлаб чиқаришида сифат менежменти ҳам ишлаб чиқарувчи, ҳам истеъмолчи учун муҳим кўрсаткич ҳамдир. Сифат менежменти, нафақат ишлаб чиқаришда, балки иқтисодиётимизнинг барча тармоқларида ҳам зарур иқтисодий омил ҳисобланади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ҳар бир янгиланиш инвесторлар билан бўлади. Техник ва технологик қайта қуриш, молиявий муносабатларнинг кенайиши инвесторларни ва инвестицияларни жалб қилишни талаб қилади. Жалб этувчан муҳитни яратиш учун салоҳиятли инвесторларга мамлакатда мавжуд инвестицион имкониятлар ҳақида реклама-ахборот маълумотларини узлуксиз тақдим этиш ва ўтказиш керак. Шу билан бирга чет элда инвестицион кўргазма, тақдимот ва семинарлар ташкил қилиш ва уларда иштирок этиш йўли билан хабардор қилиш талаб этилади.

Халқаро инвесторлар билан ишлашда, айниқса қабул қилувчи мамлакатда умумиқтисодий ёки инвестицион фаолиятнинг маъёрий шароитлар ўзгариши рўй берган ҳолларда ахборот кўмаги зарур элемент ҳисобланади. Ахборот сифати иқтисодий ривожланишда муҳим роль ўйнайди. Чунки ахборотнинг тўлиқлиги ва очиқлиги бозордаги рақобат даражасини белгилаб беради ва ресурсларнинг агентлар томонидан тақсимланиши, рискларни баҳолаш ва талаб қилинаётган даромадлилик даражасини белгилаб

беради. Шу билан бирга замонавий коммуникация воситалари ривожланиши, очик ахборотларнинг кўчкисимон ўсишига олиб келади. Маълумотларнинг долзарблиги, унинг ишончлилиги даражаси билан муҳим аҳамият касб этади.

Замонавий ишбилармонлик оламида ахборотларга талаб катта, шу сабабли кўплаб мамлакатлар ахборот истеъмолчиларининг улар учун муҳим бўлган стереотипларни шакллантиришга таъсир этган ҳолда ахборот истеъмолчиларининг олдида ўзининг устунликларини тарғиб қилиш борасида фаол ва агрессив сиёсат юритадилар. Бутун мамлакат ва айрим корхоналарнинг ижобий томонини шакллантириш борасида яхши ишлаб чиқилган технологиялар мавжуд. Бакувват инвестицион коорпорациялар ортида оддий инвесторлар туришини ҳисобга олиб, доимий инвесторлар жойлашган мамлакатлардаги инвесторларга ҳам Ўзбекистонда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни ўз вақтида ва тўғри акс эттирилиши борасида кенг қамровли амалий ишлар талаб қилинади. Чет эллик инвесторлар билан алоқада бўлиш учун масъул бўлган ва ихтисослашган давлат агентликлари яратиш амалиёти дунёда кенг тарқалган. Бундай агентликлар 100 дан ортиқ мамлакатда амал қилмоқда. Агентликлар уч асосий функцияни бажаради:

1. Доимий инвесторлар кўз ўнгида мамлакатнинг қулай муҳитини яратиш;
2. Инвестицияларни мақсадли жалб этишни амалга ошириш;
3. Инвесторларга инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш.

Инвестицияларни мақсадли жалб этиш уларнинг инвестициялари мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши учун энг муҳим деб кўриб чиқиладиган компаниялар доирасини аниқлаш ва инвестицияларни амалга ошириш истикболлари билан таништириш мақсадида улар билан бевосита алоқа ўрнатиш йўли орқали амалга оширилади. Инвестицияларни жалб этиш бўйича рақобат сиёсати доирасида бундай алоқалар маълум бир тармоқларга, доимий инвестор ва компаниялар билан ахборот алмашилишга йўналтирилган инвестицион миссия ва семинарларни ташкил қилиш ҳамда агентлик

вакилларининг ушбу компаниялар раҳбарияти билан учрашувларини ташкил қилишда мужассамланади. Инвесторлар учун зарур ахборотлардан иборат бўлган умуммиллий ахборот тармоғини яратиш мақсадга мувофиқ.


Ишлаб чиқариш нуктаи назаридан инвестиция муҳитининг жозибадорлик даражасини аниқлаш учун бутун мамлакат ва минтақалардаги иқтисодий вазиятни кўрсатувчи омиллар, иқтисодиётнинг бу тармоғига инвестицияларни киритиш қонун ва инфратузилмалар билан қанчалик таъминланганлиги, минтақада бозор инфратузилмасининг ривожланиш даражаси, малакали ишчи кучининг мавжудлиги, шунингдек мана шу ва бошқа омиллар билан боғлиқ хатарларнинг бор ёки йўқлиги ғоят муҳим.

Молиявий инвестицияларни қидириб топиш, жалб этиш ва ишлаб чиқаришга киритиш жараёни ҳамма вақт анча расмийлашган ва меъёрий ҳужжатлар билан белгилаб қўйилган бўлади. Қоида тариқасида, юқори малакали молиячиларга эга бўлмаган кичик корхона учун эса бу операция кўшимча қийинчиликлар туғдиради. Шу сабабли, кичик корхоналар моддий инвестицияларни жалб этиш имкониятларини кенгайтиришдан манфаатдор.

Хулоса сифатида иқтисодиётнинг модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш ва уни ривожлантириш, субъектларга иқтисодий ва ҳуқуқий билимлар бериш таъминлаб борилса, мавжуд ресурслардан оқилона тежаб фойдаланилса, ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти самарали бўлади ва улар иқтисодиётнинг таянч омилига айланади. Ҳозирги иқтисодиётни модернизациялаш билан боғлиқ ислохотлар шароитида ишлаб чиқариш корхоналар тараққиётининг муҳим омилларидан бири уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти учун зарурий молиявий ресурсларни шакллантириш ҳисобланади. Бу шароитларда молиявий ресурсларнинг моҳиятини фақатгина пул маблағларининг ташкил топиш манбаи сифатида тушуниши уларнинг бозор иқтисодиёти шаклланиши ва тадбиркорлик фаолиятининг тараққиётидаги роли ва аҳамиятини тўла ёрита олиш имкониятини бермайди, ҳамда корхоналар молиявий ресурсларни оқилона бошқаришнинг аҳамиятини тушуниб етмасликка олиб келади.

Ишлаб чиқариш корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлашнинг асосий манбалари:

7-расм



Манба: . Э.Акрамовнинг Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. Т.Молия. 2005 йил. 125 бет.

Ҳозирги кунда республикамызда ишлаб чиқариш корхоналари ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг концептуал вазифалари қуйидагилардан иборат: иқтисодий тармоқлардан кичик бизнес корхоналари фаолияти дастлабки ривожланишида авансланган капитални шакллантиришда кенг имкониятлар яратмоқда, яратилган даромадларни тақсимот механизмида ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун қўшимча имкониятлар яратишга ҳаракат қилишмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлаб чиқариш корхоналарини давлат томонидан ҳам молиявий қўллаб-қувватлаш сиёсати уларнинг молиялаштирилишида муҳим аҳамият касб этади.

Ишлаб чиқариш корхоналари ривожланиши узлуксизлигини таъминлаш ва унинг молиявий самарадорлигини ошириб борилиши бир қатор омилларга боғлиқ: ишлаб чиқариш соҳаларининг зарур бўлган ресурслар билан таъминланиши; молиявий ресурсларнинг ҳосил қилинганлиги; банк кредитига бўлган эҳтиёжнинг қондирилиши; икки ва кўп томонлама тузилган

шартномаларга амал қилишни ва унинг ўз вақтида бажарилиши; субъектларнинг малакаси, ихтисослиги ва етарли тажрибага эга эканлиги.

3.2. Ишлаб чиқариш корхоналари молиясини самарадорлигини оширишда модернизациялашнинг ижобий таъсири.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш-бу иқтисодиётни жадал суратлар билан ривожланишига сабаб болади. Чунки экспорт боб товарларни ишлаб чиқарилишини кўпайиши миллий иқтисодиётнинг ҳар бир соҳасини ривожланишига олиб келади. Ишлаб чиқариш корхоналари молиясини самарадорлигини оширишда модернизациялашнинг ижобий таъсири билиш учун йил якунларини таҳлил қилиб чиқиш мақсадга мувофиқ деб билдик.

Агар биз 2012 йил якунлари билан танишиб чиқадиган болсак мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,2 фоизга ўсди, са-ноат ишлаб чиқариш ҳажми 7,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги 7 фоизга, чакана савдо айланмаси ҳажми 13,9 фоизга ошди.

Макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодиётнинг мутаносиблиги таъминланди.

Экспорт ҳажми сезиларли равишда, яъни 11,6 фоизга ўсди, экспорт қилинаётган маҳсулотлар таркиби ва сифати яхшиланиб бормоқда. Бунинг натижасида хомашё бўлмаган тайёр товарларнинг улуши 70 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. Ташқи савдо айланмасидаги ижобий сальдо 1 миллиард 120 миллион доллардан ошди.

Инфляция даражасининг ўсиш суръати прогноз кўрсаткичлари доирасида сақлаб қолинди ва 7 фоиздан ошмади.

Шуларга қарамасдан, давлат бюджетининг даромадлар қисми бўйича кўрсаткичлари тўлиқ бажарилди, эришилган профицит ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоизни ташкил этди.

2012 йилда мамлакатимизнинг юқори суръатлар билан барқарор ўсишини таъкидлар эканмиз, бунинг боиси ва омилини авваламбор иқтисодиётни модернизациялаш, иқтисодиётимизга йўналтирилган капитал маблағлар, инвестициялар тобора ўсиб бораётганида, бу кўрсаткич ялпи ички маҳсулотга нисбатан 22,9 фоизни ташкил этганида, деб ҳисоблашимиз зарур.

Ўтган йилда иқтисодиётимизга 11 миллиард 700 миллион доллар миқдорида ички ва хорижий инвестициялар жалб этилди ёки бу борадаги кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 14 фоизга ўсди. Жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди, уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Жадвал маълумотлари орыали инвестицияларни ўсиш суратларини кўришимиз мумкин.

2010-2012 йиллар ичида республикаимизга жалб қилинган инвестициялар:


4- жадвал

Кўрсаткичлар номи	2010й	2011й	2012й
1	2	3	4
Жалб қилинган инвестициялар(миллиард доллар)	9,7	10,8	11,7

Манба: Йил якунлари бўйича тузиб чиқилди.

2010-2012 йиллар ичида республикаимизга жалб қилинган инвестициялар ўсиш сурати диаграмаси:

8- расм



Манба: 4-жадвал асосида тузилди.

Эътиборга сазовор томони шуки, юқоридаги жадвал ва диаграмма маълумотлари инвестицияларни йилдан йилга ўсиб бораётганлигини кўрсатяпти. Шу билан бирга жами инвестицияларнинг қарийб 74 фоизи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди.

Шу борада фақат ўтган йилнинг ўзида умумий қиймати 1 миллиард 600 миллион доллардан ортиқ бўлган капитал қўйилмалар ўзлаштирилиб, 205 та йирик инвестиция объекти куриб битказилди.

2012 йилда курилиши ниҳоясига етказилган энг йирик объектлар ҳақида гапирганда, Навоий иссиқлик электр станциясида Япониянинг “Мицубиси” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган 478 мегавольт қувватга эга бўлган буғ-газ курилмасининг ишга туширилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши йилига қўшимча равишда 2 миллиард 800 миллион киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради. Шунингдек, бу лойиҳа ҳисобидан шартли ёқилғи истеъмолини 1,8 марта камайтиришга, ҳар йили 400 миллион куб метр газни тежаш ёки 110 миллион доллардан ортиқ маблағни иқтисод қилишга эришамиз.

Автомобиль саноатида Германиянинг дунёга машҳур “МАН” компанияси билан ҳамкорликда Самарқанд вилоятида йилига 3 мингта юк автомобили ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган янги комплексни бунёд этишнинг иккинчи босқичи якунланди.

Ушбу корхонада жаҳондаги энг юксак стандартлар асосида жиҳозланган юқори технологик ишлаб чиқариш ташкил этилди. Айтиш керакки, катта ҳажмдаги юкларни ташийдиган энг замонавий автомобиллар ишлаб чиқарадиган мазкур корхона нафақат мамлакатимиз эҳтиёжини қоплайди, балки бу машиналарни экспорт қилишни ҳам таъминлайди.

Муборак газни қайта ишлаш заводида 258 минг тонна суюлтирилган газ ва 125 минг тонна конденсат ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган заводнинг биринчи навбати фойдаланишга топширилди, “Шўртаннефтгаз” корхонасида

эса пропан-бутан қоришмаси асосида 50 минг тонна суюлтирилган газ ишлаб чиқарадиган қурилма ўрнатилди.

Яна бир йирик лойиҳа – умумий қиймати 250 миллион доллардан ортиқ бўлган Деҳқонобод калийли ўғитлар заводининг иккинчи навбатини қуриш ишлари давом эттирилмоқда. Бу борадаги ишлар якунига етгач, корхонада йилига 600 минг тоннагача калийли ўғит ишлаб чиқариш имкони пайдо бўлади ва бу маҳсулотнинг 350 минг тоннадан кўпроғи экспорт қилинади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 2012 йилда Сурғил кони базасида ҳатто дунё мезонлари бўйича ҳам ноёб бўлган, қиймати 25 миллиард доллардан зиёдни ташкил этадиган Устюрт газ-кимё комплекси қурилиши бошланди. Мазкур объектнинг қурилиши 2016 йилда ниҳоясига етказилади ва бу корхона 4 миллиард 500 миллион куб метр табиий газни қайта ишлаш, 400 минг тонна полиэтилен ва 100 минг тонна полипропилен ишлаб чиқариш имконини беради.

Ушбу лойиҳа технологик жиҳатдан дунёдаги энг илғор лойиҳалардан бири бўлиб, энг юксак даражадаги газ-кимё технологияларини жорий этишни кўзда тутди. Бу, ўз навбатида, табиий газдан 97 фоизгача этан, пропан ва бошқа қимматбаҳо компонентларни ажратиб олишни таъминлайди.

Мазкур лойиҳада етакчи хорижий банклар консорциуми, давлат кафолатларини жалб этмаган ҳолда, лойиҳаларни молиялаштириш принциплари асосида иштирок этмоқда.

Дунёдаги йирик “Томсон Рейтер” бизнес-ахборот агентлигининг молия соҳасидаги жаҳонга машҳур “Прожект файненс интернешнл” журнали ушбу лойиҳанинг ноёблиги ва ишга новаторлик билан ёндашиш натижаси эканини қайд этиб, Устюрт газ-кимё комплекси қурилишини нефть-газкимё саноатидаги йилнинг энг яхши лойиҳаси, деб тан олди. Бу, ҳеч шубҳасиз, барчамизга катта мамнуният бағишлайди.

2012 йилда Жанубий Африканинг “Сосол” компанияси ва Малайзиянинг “Петронас” корпорацияси билан ҳамкорликда қиймати 4 миллиард доллардан зиёдни ташкил этадиган, тозаланган метан асосида синтетик суюқ ёқилғи

ишлаб чиқариш бўйича катта истиқболга эга бўлган йирик лойиҳани амалга ошириш бошланди.

Ушбу лойиҳа асосида барпо этиладиган завод дунёдаги санокли корхоналардан бири бўлиб, у синтетик суюқ ёқилғи – суюлтирилган газ, авиакеросин ва “премиум класс” тоифасидаги, яъни евро-4 стандартидан кам бўлмаган дизель ёқилғиси ишлаб чиқаради.

Янгитдан ташкил этилган “Навоий” ва “Ангрен” эркин индустриал-иқтисодий зоналари бугунги кунда мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини модернизация қилишга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишда алоҳида ўрин эгалламоқда.

“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилганидан буён бу ерда 12 та корхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. 2012 йилда улар томонидан қарийб 80 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Аккумулятор симлари, автомобиль газ баллонлари, мобиль ва стационар телефонлар, модемлар ва интернет учун қўшимча мосламалар ишлаб чиқариш бўйича корхоналар ташкил этиш каби юқори технологиялар асосидаги яна еттита лойиҳа амалга ошириш босқичида турибди.

Шу борада тўпланган тажрибани ва Тошкент вилоятидаги ишлаб чиқариш ҳамда ресурс салоҳиятидан фойдаланиш, Фарғона водийсидаги корхоналар билан барқарор иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишнинг келажакда муҳим аҳамиятга эга эканини ҳисобга олган ҳолда, “Ангрен” махсус индустриал зонасини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди.

Мазкур индустриал зонада фаолият кўрсатаётган корхоналарга, киритилган инвестициялар ҳажмига қараб, 3 йилдан 7 йилгача бўлган муддатга кенг қўламли солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар берилди, уларнинг инфратузилма объектлари ва коммуникацияларга кафолатли равишда уланиши таъминланмоқда.

Ҳозирги кунда “Ангрен” махсус индустриал зонаси ҳудудида қиймати 186,0 миллион долларлик 8 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Шулар қаторида зарурат ва эҳтиёж баланд бўлган турли тайёр маҳсулотларни

ва бутловчи буюмларни ишлаб чиқариш, шунингдек, янги шакар заводини қуриш, тайёр чарм буюмлар ишлаб чиқарадиган комплексни барпо этиш алоҳида ўрин тутди.

Умумий қиймати 245 миллион долларлик яна 22 та рентабелли лойиҳани амалга ошириш масалалари кўриб чиқилмоқда ва бунинг учун зарур ҳужжатлар тайёрланмоқда.

Қўлга киритган тажрибамиз шунини тасдиқлаб бермоқдаки, мамлакатимизнинг бошқа минтақаларида ҳам Навоий ва Ангрен каби махсус индустриал зоналарни, замонавий логистика тизимлари ва транспорт инфратузилмаларини яратиш бўйича бошлаган ишларимизни давом эттириш мақсадларимизга жавоб беради.

2013 йил ва яқин келажакка мўлжалланган дастуримизни амалга оширишда иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгилашни жадаллаштириш ва унинг қўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш марказий ўрин тутуши даркор.

Бу борада 2013 йил учун ишлаб чиқилган ва 370 дан ортиқ стратегик муҳим лойиҳани амалга оширишни кўзда тутадиган Инвестиция дастури ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу мақсадлар учун ажратиладиган 13 миллиард долларнинг 75 фоизини ички манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган маблағлар, қолган қисmini жалб этиладиган хорижий инвестициялар ташкил этади.

Ишлаб чиқариш қурилиши учун мўлжалланаётган жами инвестицияларнинг қарийб тўртдан уч қисmini янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, реконструкция ва модернизация қилиш учун йўналтиришга тўғри келмоқда.

Инвестиция дастурини амалга оширишда Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси тобора муҳим ўрин тутмоқда. 2013 йилда фақат Жамғарма маблағлари ҳисобидан қиймати 780 миллион долларлик 34 тадан ортиқ муҳим лойиҳа, биринчи навбатда, хорижий шериклар билан ҳамкорликда барпо этиладиган объектларни молиялаштириш режалаштирилмоқда.

2013 йилда асосий мақсадимиз – қурилиши бошланган ва мамлакатимизнинг sanoat ишлаб чиқариш таркибини тубдан ўзгартиришга хизмат қиладиган объектларни барпо этиш суръатларининг пасайишига йўл қўймаслик принципиал аҳамиятга эга. Жорий йилда 115 та муҳим объектни ишга тушириш кўзда тутилмоқда.

2013 йил ва ундан кейинги йилларда дастурий вазифаларимизни амалга оширишда йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш устувор аҳамият касб этади.

Бугун мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш, иқтисодиётимизнинг сифат жиҳатидан янги, замонавий таркибий тузилмасини шакллантириш, ҳудудларимизни комплекс ривожлантириш бўйича барча режаларимизнинг муваффақиятли амалга оширилиши инфратузилма тармоқларини юксак суръатлар билан ривожлантиришга узвий боғлиқ экани ҳақида гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Фаол инвестиция сиёсати мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг энг муҳим шарти ва манбаи бўлмоғи керак. Ўзбекистонда сўнгги беш йил мобайнида инвестицияларнинг йиллик ўсиш суръати 9 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда ва бу дунёдаги юқори, барқарор кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Жаҳон миқёсида глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётганини инобатга оладиган бўлсак, бугунги мураккаб шароитда биз эришган бу натижанинг аҳамияти ва моҳияти янада яққол аён бўлади.

Кейинги 10 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига киритилган инвестициялар ҳажми 3,2 баробар ошган бўлса, шу даврда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 20 баробардан зиёд ўсгани эътиборга сазовордир.

Стратегик хорижий инвесторларни жалб этиш мақсадида мамлакатимизда инвесторларнинг ўзи учун ҳам, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун ҳам ноёб кафолатлар тизими яратилди.

Аввало, давлат томонидан хорижий инвесторларнинг барча ҳуқуқлари таъминланмоқда, уларнинг сармоялари, мамлакатимиз ҳудудида улар томонидан яратилган мулкнинг дахлсизлиги кафолатланмоқда, яратилаётган имтиёз ва преференцияларни кенгайтириш ва либераллаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар изчил давом эттирилмоқда.

“Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги қонунга кўра, қонунчилик нормаларининг ўзгартирилиши инвестициялаш шарт-шароитларини ёмонлаштиришга олиб келган тақдирда чет эллик инвесторларга нисбатан ўн йил мобайнида инвестиция киритилган санада амал қилган қонунчилик қўлланади.

Яна бир қулайлик томони шундаки, давлат бошқарув органлари ёки давлат ҳокимияти маҳаллий органлари томонидан чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқларини камситадиган норматив ҳужжатлар қабул қилинган, шунингдек, чет эллик инвесторларнинг ҳўжалик фаолиятига ғайриқонуний аралашишга йўл қўйилган тақдирда, буларнинг оқибатида етказилган зарар суд орқали мазкур органлар томонидан қопланади.

Мамлакатимизда чет эллик инвесторнинг Ўзбекистонда олган даромадларини қайтадан инвестиция сифатида киритиш бўйича ҳеч қандай чекловлар йўқ – чет эллик инвесторнинг даромади, унинг хоҳишига кўра, ҳар қандай шаклда ишлатилиши мумкин.

Мазкур қонунга мувофиқ, юртимизда чет эл инвестициялари ва хорижий инвесторларнинг бошқа активлари халқаро ҳуқуқда қабул қилинган умумий ҳолатларни (масалан, табиий офатлар, фалокатлар ва бошқаларни) мустасно этганда, национализация қилинмаслигига яна бир бор эътибор қаратиш ўринлидир.

Ўзбекистонда 2012 йилда мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини янада яхшилашга йўналтирилган бир қатор қўшимча муҳим қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқий нормалар қабул қилинди.

Биз мамлакатимизда хорижий инвесторлар учун муҳим аҳамият касб этадиган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш йўлида зарур бўлган барча

ишлаб чиқариш инфратузилмаларини давлат маблағлари ҳисобидан таъминлаш принципини нафақат қабул қилдик, балки уни амалда жорий этмоқдамиз.

Биз қиймати 50 миллион доллардан ошадиган ва хорижий инвесторнинг улуши камида 50 фоиз бўлган аниқ лойиҳаларнинг ўз муддатида амалга оширилишини таъминлайдиган инфратузилмани лойиҳа ҳужжатлари асосида ўз вақтида қуриш мажбуриятини зиммамизга оламиз. Сурғил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуасини қуриш бўйича амалга оширилаётган лойиҳа бунинг яққол далилидир. Бу ерда умумий қиймати 212 миллион долларни ташкил этадиган ташқи муҳандислик инфратузилмасини барпо этишни давлат ўз зиммасига олган. “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва “Ангрен” махсус индустриал зонасида яратилган шароитлар ҳам бунга мисол бўлиши мумкин.

Мамлакатимизда яратилган ишбилармонлик муҳити қулай инвестициявий жозибадорликнинг муҳим таркибий қисми ва омилидир.

Ўзбекистонда Жаҳон банки томонидан ишлаб чиқилган методологияга мос ва мамлакатимизда бизнесни юритиш билан боғлиқ барча жараёнларни янада либераллаштириш, соддалаштириш, арзонлаштириш ва уларнинг очиқлигини таъминлашга йўналтирилган комплекс дастур қабул қилинди.

2012 йил давомида мазкур дастур доирасида олтита муҳим қонун, жумладан, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, янги таҳрирдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар, шунингдек, рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш, солиқ ва статистик ҳисо-ботларни қисқартиришга қаратилган қонун ҳужжатлари ва норматив актлар мажмуаси қабул қилинди.

Рухсат беришга оид 80 та тартиб-таомил, лицензияланиши талаб этиладиган 15 та фаолият тури бекор қилинди, статистик, солиқ ва молиявий ҳисо-ботларнинг шакллари ва даврийлиги бир ярим-икки баробар қисқартирилди. Давлат ва назорат қилувчи идораларнинг тадбиркорлик субъектлари билан электрон шаклдаги билвосита алоқаси босқичма-босқич жорий этилмоқда.

Хулоса ўрнида,юртимизда ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар ўзининг илк натижаларини кўрсатаётганини таъкидлаш жоиз. Жаҳон банки ҳисоб-китобларига кўра, 2012 йилда Ўзбекистон бизнесни юритиш бўйича рейтингда 14 ўрин юқорига кўтарилди. Янги замонавий ишлаб чиқаришларни қуришга, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга, транспорт, муҳандислик-коммуникация ҳамда ижтимоий инфратузилмаларни жадал ривожлантиришга йўналтирилган стратегик аҳамиятга эга инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни таъминлаш ва бунинг негизда янги иш ўринларини яратиш, мамлакат иқтисодиётини барқарор ва жўшқин ривожлантиришга эришиш мақсадидир.

Шу йиллар ичида республикамизда иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ва соҳаларида хорижий инвестициялар иштирокида 4200 дан ортиқ корхоналар ташкил этилди ва муваффақиятли фаолият юритмоқда. Ҳар йили 3 млрддан кўпроқ, асосан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилмоқда, мамлакатимиз иқтисодиётига киритилаётган инвестиция умумий ҳажмининг 26,6 фоиздан кўпроғи уларнинг ҳиссасига тўғри келади. Бу эса хорижий инвесторларнинг республикамиз иқтисодиёти барқарорлиги ва пухталигига, уни ривожланиш истиқболларига қизиқиши ҳамда ишончи ортиб бораётганлигидан яққол далолат беради.

Ишлаб чиқариш корхоналари молиясини самарадорлигини оширишда модернизациялашнинг ижобий таъсири ни юқоридагилардан келиб чиқиб қуйдагича хулоса қилишимиз мумкин :

1. Макро даражадаги таъсири:

- а) мамлакат иқтисодига турли хилдаги инвестициялар оқимини кенгайтиради ва бу миллий иқтисодиётнинг ривожланишига олиб келади;
- б) мамлакатда комплекс ривожланиш тامينлайди;
- с) инфраструктурани яхшиланишига кўмаклашади;

д) ресурслардан унумли ва самарали фойдаланишга янги технологиялар орқали эришиш мумкин, модернизация шуни бизга тaминлаб беришга хизмат қилади;

г) ишсизликни камйтиришга ҳаракат қилади.

2.Микро даражадаги таъсири:

а) корхона товар ишлаб чиқариш рентабирлик кўрсаткич коифисентини ўсишини таъминлайди;

б) корхонни модернизация қилиш орқали нафақат ишлаб чиқаришнинг балки корхона бошқарувида янгиликларни олиб кириш, ишчилар билим савиясини ошириш учун янгида янги ахборотларни киршга сабаб бўлади;

с)корхоннинг янги молиявий ҳамкорлари кўпайишига модернизацининг ўрни каттадир;

д) товар сотш бозорини кенгайиши шулар жумласидандаир.

ХУЛОСА

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш корхоналари молиясини самарали ташкил этиш жараёнларини тадқиқ этиш натижасида қуйидаги хулосалар асосланди:

- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш корхоналари молиясини самарали ташкил этиш бўйича кўрилган натижалар асосида ушбу тадқиқот ишидан ҳар қандай ишлаб чиқариш корхоналари фойдаланса бўлад деган хулосага келдик;

- мазкур масалаларни амалий жиҳатдан самарали ҳал қилинишини таъминлаш учун унинг назарий жиҳатларини тўғри тушуниш асосида барча фикр, имконият ва куч-қувватларни йўналтириш зарур. Бунда “ишлаб чиқариш корхоналари” ва “молия” ҳамда у билан боғлиқ бир қатор тушунчалар (масалан, молиявий самарадорликка эришиш йўллари,товар ишлаб чиқариш, товарга талаб ва унинг таклифи, ишлаб чиқариш ресурслари, маркетинг-менежмент, аудит, инвестиция ва ҳ.к.лар)нинг илмий ва амалий муомалада самарали қўлланилиши мақсадга мувофиқдир деган хулосага келдик;

- ишлаб чиқариш корхоналарида молиявий самарадорликни ташкил қилиш масалаларин умумий ва қўшимча миқдорлари ўзаро фарқланади. Шунга кўра, ушбу натижаларга эришиш учун жаҳон ва миллий ишлаб чиқарувчилари ва шу соҳанинг ётакчиларининг фикрлари ўрганиб чиқлди ва жаҳондаги йирик ишлаб чиқарувчиларнинг тажрибалари миллий ишлаб чиқариш субъектлари билан фикр алмашиш керак деган натижага келдик;

- ишлаб чиқариш корхоналарида молиясини самарали ташкил қилиш учун ишлаб чиқариш ва молиявий ресурслардан унумли фойдаланиш бунда математик ҳисоб китоблар ва молиявий режалар доимо ассос қилиб олиниши керак деган хулосага келдик;

- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молиявий ресурслардан оқилона ва қонун чегарасидан чиқиб кетмаган ҳолда фойдаланиш ишлаб чиқаришда

турли хилдаги жамғарма фондларини доимий ташкил қилиб бу жамғарма фақат корхона истиқболли режаларини амалга ошириш учун йўналтириши устидан назоратни ташкил қилиш зарур деган хулосага келдик;

- корхона экспортбоб тоар ишлаб чиқариши учун унинг асбоб ускуналарини яроқлилиги ва шундай товар ишлаб чиқаришга мослигини хар бир даврда тахлилчилар томонидан кузатилиб керак бўлган вақтда модернизациялаш самара беради деган хулосага келдик;

- ишлаб чиқаришни модернизациялаш аввало кўп маблағ талаб қилиб ушбу маблағлар бўш турган молиявий ресурслар ҳисобига амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлаймиз;

- корхонани юқори технологиялар билан жихозлашда асосан инвестицияларнинг ўрни катта бўлиб, усиз модернизация тўлиқ ва мукамал бўлмайди, шунинг учун хар бир корхона ўзига доим инвесторларни жалб қилишн йўлларини қидириб топиши керак. Молиявий самарадорликка эришиш учун инвестициялардан фойдаланиш энг самарали йўл ҳисобланади;

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида хар бир ишлаб чиқарувчининг ўзининг истъеомолчи ва рақобатчилари бўлиб у корхоналардан молиявий ресурсларини тўғри йўналтириши ва ундан фақат керакли мақсадларда фойдаланиши лозимлигини тақаззо этади. Ишлаб чиқариш муаммолари ва тоар сотиш бозорини кенгайтира олган тадбиркор ҳақийқий тадбиркор ҳисобланади бизнинг назаримизда. Ушбу муаммоларни ҳал қила олган тақдирдагина корхона молиявий самардорликка эришади. Чунки ишлаб чиқарилган товарларнинг доимий харидори бўлса, товарлар бозори кенгайса бундай корхона молиявий муаммоларни ўзида кўрмайди.

П-Т-П¹

Муносабати доим бўлса, яни ишлаб чиқаришга пул сарифлаб, ундан товар ишлаб чиқарса ваш у товарни сарифлаган пулига нисбатан кўпроғига сотса айни биз кутган натижага эришган бўламиз.

Қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

- аввало биз ҳар қандай лойихани амалга оширишимиз учун ўзимиздаги кўрқувни енгиб ўтишимиз керак чунки тадбиркорлик тавакалчиликка асослангандир;
- корхоналарда шундай бир бўлим ташкил қилиш керакки, унинг вазифаси янгидан-янги инвесторларни топиш ва товар бозорларини кенгайтириш бўлсин ;
- иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳалари, уларнинг таркибидаги корхоналарни модернизациялаш дастурларини ишлаб чиқишда товар бозоридаги мавжуд мувозанат ҳамда унга модернизациялаш жараёнлари кўрсатиши мумкин бўлган таъсирларни олдиндан баҳолаш;
- модернизациялаш жараёнлари амалга оширилаётган ҳар бир объект (тармоқ, соҳа, корхона ва ҳ.к.)да эски техника ва технологияларни, асбоб-ускуналарнинг қўлланилишини тўхтатиш, истиқболсиз ишлаб чиқаришларни тугатиш;
- модернизациялаш жараёнларининг узоқ муддатли истиқболдаги режаларини олдиндан ишлаб чиқиб, янги иш ўринлари билан таъминлаш имкони бўлмаган мутахассис ва ходимларни иқтисодиётдаги эҳтиёж мавжуд бўлган тармоқ ва соҳалар бўйича малака ва мутахассисликка олдиндан қайта тайёрлаб бориш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;
- ишлаб чиқариш ва давр харажатлари устидан назоратни кучайтириш;
- аҳолини иқтисодиётга, хусусан ишлаб чиқаришга кенг миқёсда жалб қилиш орқали иқтисодий ўсишга эришиш бунинг учун оммавий ахборот воситаларида кўпроқ маълумот бериб бориш. Энг яхши вариант телвидинияда иқтисодиёт каналини очишдир;

АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси -Тошкент: «Ўзбекистон», 2003.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган "Банкротлик тугрисида"ги Қонуни
3. Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий қорхона тўғрисида»ги Қонуни, 2003.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарор ва Фармонлари.

4. «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий янада эркинлаштириш соҳасидаги устивор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора тadbирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 14.06.2005й.
5. «Микрофирмалар ва кичик қорхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тугрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. 21.06.2005й.
6. «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислох қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тугрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори. 10.03.2005й.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти «Хусусийтадбиркорлик, кичик ва урта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора – тadbирлари тугрисида»ги Фармони, 1998 йил 9 апрел.

3.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари.

8. «2005 йилда ижтимоий -иқтисодий ривожлантириш йўналишлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устивор йўналишлари тугрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 10.02.2006 й.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 20 октябрдаги «2005 йилнинг туққиз ойида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий

ривожлантириш якунлари ҳамда иктисодиётни ислох қилиш ва эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш юзасидан устивор вазифаларни амалга оширилиши» муҳокамасининг мажлиси. «Халқ сузи» газетаси, 2005 йил 21 октябр, №209 (3754).

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қорхоналар иктисодий нозорлигининг белгиларини аниқлаш учун мезонлартизими» Қарори, 1999 йил 26 июл .

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қорхоналарни соғломлаштириш ҳамда тулов қобилятини тиклаш бўйича намунавий молиявий режа», 1997 йил 31 март.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 декабрдаги 610 сонли Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги бюджет параметрлари тугрисида»ги қарори. Солиқлар ва божхона хабарлари, 2006 йил 7 январь.

13. Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тугрисида» қонуни. № 763. 14.04.1999й. (2004 й қўшимча ўзгартиришлар киритилган).

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бешинчи ялпи мажлисида Президент И.А.Қаримовнинг «Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши дарқор» мавзусидаги нутқи. 2006 йил 27 февраль, Тошкент оқшоми газетаси.

15. Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши натижалари ҳамда 2006 йилнинг асосий иқтисодий йўналишлари тугрисида Президент И.А.Қаримовнинг нутқи 2006 йил 11 февраль, Халқ сузи газетаси;

16. Қаримов И.А. «Халқимиз фаровонлигининг барқарор ўсишини таъминлаш-устивор вазифа» Халқ сузи, 2001 йил 12 январ.

17. Қаримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштрииш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир.

Т., 2005.

18. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон хаёт-пировард максадимиз. -Т.; Узбекистон 2000й, 489-бет.

19. Каримов И.А. Ислохотлар стратегияси мамлакатимиз иктисодий салохиятини юксалтириш. 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2003 йилда иктисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йуналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. Халқ сузи, 2003 йил 18 февраль.

20. Каримов И. А. Эскича караш ва ёндашув билан янгича хаёт куриб булмайди. 2005 йил 7 февралда Оксарой кароргоҳидаги маъруза. 2005 йил 7 февраль.

6. Дарсликлар ва ўқув кўлланмалар

21. Ковалев В.В. Финансў предприятий: Учебник.-М: Проспект, 2004.- 352 стр. 1экз

22. Желкина А.Н. Управление финансами. Финансовўй анализ предприятия: Учебник.-М: ИНФРА-М, 2005 - 332 стр. 1 экз.

23. Леонтьев В.Е. Финансовўй менеджмент: Учебник. - М: Элит, 2005. - 560 стр. 1экз.

24. Попова и др. Финансў предприятий СПб: Питер 2002-224 стр.

25. Павлова Л.Н. Финансў предприятий. - Москва: ЮНИТИ. 1998. - 629 стр.

26. Грибов В. Д. Грузинов В. П. Экономика предприятия.-М: Финансў и статистика, 2005.-336 стр.1 экз.

27. Попов.В.М. Финансовўй бизнес - план. Учебное пособие. - М: «Финансў и статистика» 2005.-458 стр. 1экз.

28. Масленченков Ю.С., Комиссаров О.В. Специфика финансов и менеджмента стабільного предприятия в условиях социальной рўночной экономики. Разработка по управлению финансовой деятельности предприятия.- М: Издательская группа «БДЦ-пресс,» 2002.-160 с. 1 экз.

29. В.ВКовалев, О.Н.Волкова. Анализ хозяйственной деятельности

предприятия: Учебник.- М: ТК Велби, «Просект», 2004.- 424 стр. 1 экз.

30. Практикум по финансам предприятий: Учебное пособие. Под ред: П.И. Вахрина.- М: «Дошков и К», 2004.- 208 стр. 2 экз.

31. Дробозина Л.А. Финансы. Учебник. – М. ЮНИТИ. 2000 г. 515 стр.

32. Д. С. Моляков, Е.И. Шохин. Теория финансов предприятий: Учеб. Пособие.- М: Финансы и статистика, 2004.- 112 стр..

33. Д. Грибоедов, В. П. Грузинов. Экономика предприятия: Учебник.- М: Финансы и статистика, 2004.- 336 стр.1 экз.

34. Гуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. Т. Шарк. 2002 й..

35. Додобоев Ю.Т, Гадоев Э.Ф. Молия. Укув кулланма. Тошкент. 2001 йил. 365 б.

36. Махмудов Т. Экономика предприятий. Учебное пособие ТГЭУ 2004 208 стр.

37. Додуюев Ю.Т .Молиявий менежмент. Укув кулланма. Наманган. 1999йил. 365 б.

38. А.В.Ваҳобов, Ё.А.Абдуллаев Ўзбекистон Республикаси Президенти ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. - Т. « IQTISOD-MOLIYA», 2009.

39. Абдуллаев Ё.А. Кредит: 100 савол ва жавоб. Тошкент.Мехнат. 1996йил.

40. Абдуллаева Ш.З Пул, кредит банклар. Молия. 2000 й. 311 б.

41. Завалашина И.А. Практика налогообложения в Узбекистане. Ташкент. 2002 г.222 стр.

42. Жураев. А, Ортиков Солик қонунчилиги асослари. Укув кулланма. Тошкент .2004 й.168 б.

43. Умаров У.У. Молия назарияси фанидан укув кулланма. Тошкент Истикбол. 2004 йил. 203 б.

44. Коралиев Т. Валиев А. «Дехкон ва фермер хужаликлари фаолиятини кредитлаш». Тошент «Шарк»-2002 йил.
45. Усмонов С. Дадабоев Ю. Фермер ва дехкон хужаликлари. Дарслик. Тошкент 2002 йил Год: 2005.
46. Ковалев В.В. «Методу оценки инвестиционных проектов». М.; «Финансу и статистика» 2001.
47. Савицкая Г.В. «Анализ хозяйственной деятельности предприятий». И.П. «Финансу» 2001.
48. Тошмуродов Т. Солиқлар изохли лугати. Тошкент .Мехнат 2003 йил.180 б.

7.Интернет сайтлари

1. <http://wwwspc.gov.uz//ru/esupport/ind>
2. <http://www.stat.uz>.
3. <http://www.nalog.ru/declare/specific.shtml>
4. <http://www.nalog.uz>.
5. <http://www.xs.uz>.
6. <http://www.uza.uz>.
7. <http://www.ziyonet.uz/ru>
8. <http://el.tfi.uz/uzb/?idCode=7&page=show>
9. <http://www.uforum.uz>
12. <http://www.fikr.uz>.
13. <http://www.lex.uz>.
14. <http://www.tashabus.uz>.